

кечаси Пўлатхон хон томонидан ушланиб рус қўмондонлигига топширилди. У 1876 йил 1 мартда Марғилондаги бозор майдонида дорга осилди.

Шундай қилиб 1873 йилда бошланган Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолон тор-мор этилди. Қўқон хонлиги тугатилди ва Фарғона вилояти ташқил қилинди. Шундан сўнг ҳам ўзбек, тожик, қирғиз халқлари курашни давом эттиравердилар.

Озодлик ҳаракати Фарғонадан Олойга кўчирилди. Қурбонжон додхох Туркий халқларнинг жасур ўғиллари билан генерал Скобелев қўшинларига қарши кураш олиб борди. 1876 йил 31 июлда Мунғиш ва адиғина уруғи вакиллари таслим бўлсаларда, Қурбонжон додхо тўхтамади. Генерал Скобелев тинчлик шартномаси тузиш учун ўз вакилини додхох хузурига юборганда, у фақат мавқеи ўзи билан тенг бўлган саркарда билан музокара олиб бориши мумкинлигини билдирди. Шундан сўнг Скобеев ўзи аёл қўмондон билан учрашиб, музокара олиб боришга ва у қўйган таклифларга рози бўлишга мажбур бўлди. Бу эса аёл қўмондон Қурбонжон додхохнинг Скобелев устидан қозонган маънавий ва руҳий ғалабаси бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, фақатгина 1877 йил январдагина Фарғона водийсида нисбатан тинчлик ўрнатилди. Қўзғолон бостирилди, лекин у йўқолиб кетмади.

XIX аср охириларида келганда Туркистонда вазият янада кескинлаша бошлади. Пахтачилик ривожлантирилиб, улканинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишининг салбий оқибатлари шаҳарлар аҳолисига ҳам таъсир этмай қолмади. Чунки, пахта хомашё сифатида олиб кетилиб тайёр газлама сифатида Туркистонга олиб келинар эди. Маҳаллий ҳунармандлар тўқиган газламалар эса рақобатга бардош бера омай ҳунармандлар хонавайрон бўла бошлади.

Қишлоқларда эса бир парча еридан ажралган деҳқон тирикчилик дардида шаҳарларга келиб изғиб юрар, мардикорчилик қилар эдилар. Бундай аҳвол Тошкентда ҳам юзага келди. Бунинг устига 1892 йил 7 июлда Тошкентда вабо касаллиги тарқалганлиги аниқланди. Чор ҳукумати томонидан вабога қарши қўлланилган кураш чораларида маҳаллий шароит, диний урф-одат ақидалар ҳисобга олинмагани вазиятни кескинлаштириди. Бунинг устига рус врачлари касалхонадаги беморларни ўлдириш учун захарли кукун дориси бераёпти деган миш-миш тарқалди. Ва ниҳоят маҳаллий оқсоқоллардан Ёқуббек ва унинг тарафдорларини ҳукуматга қилган лаганбардорлиги аҳоли ғазабини ниҳоятда кучайтирди.

Тошкентда “Вабо исёни” номини олган ҳаракат бошланди. Аҳоли Чор ҳукумат маҳкамасини ўраб олиб тошбўрон қилди. Солдатлар билан тўқнашув бўлди. Қўзғолончилардан бир неча киши ўлдирилгач қўзғолон тўхтади. 60 киши ҳибсга олинди. Рус маъмурияти қўзғолоннинг айбини биринчи навбатда бир гуруҳ юқори табақа вакиллари бўйнига қўйишга ҳаракат қилиб, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий заминларини беркитмоқчи бўлди. Гарчи бу қўзғолон ҳам енгилган бўлсада, у мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга қаратилган кураш сифатида ўчмас из қолдирди.

Мустамлакачилик сиёсати бир томондан халқ ҳаётининг оғирлашувига, иккинчи томондан маҳаллий юқори табақа вакиллариининг манфаатларига зарба беришга олиб келди. Жамият маънавий ҳаётининг асосий йўналтирувчи бўлими

ислом динининг камситилиши ва унинг моддий асосларини чеклаб қўйилиши, дин пешволарнинг ҳам бош кўтаришига олиб келди. Ватан ва дин озодлиги учун кураш бир-бири билан узвий боғланиб, умуммиллат ҳаракати сифатида гавдаланди.

1898 йилги кўзғолон Мингтепа, Тожик, Қашқар сингари қишлоқлардан бошланди. Бу ерларда халқнинг чуқур хурматига сазовор бўлган Мухаммадали Халфа Собир ўғли - Дукчи Эшон обрўли дин пешволаридан ҳисобланган.

Дукчи Эшон рус ҳукумати томонидан олиб борилаётган мустамлакачилик сиёсатини миллий зулм ва диннинг сиқиб қўйилганлигининг жонли гувоҳ бўлган. Умуман олганда, Дукчи Эшон бир парча ердан маҳрум бўлган камбағал деҳқонлар, шаҳар камбағаллари учун умид ва ишонч рамзига айланган.

1898 йил 17 май кечкурун Дукчи Эшон бошчилигида оломон Андижон томонга йўл олди. Йўлда Қутчи, Бархон, Работ, Дархон, Сарикўй, Кўкча сингари қишлоқлардан ўтдилар. Бу қишлоқ одамлари ҳам кўзғолончиларига қўшилди. Улар орасида Сусамир ва Нориндан келган қирғизлар ҳам бор эди. Дукчи Эшон минг нафар пиёда ва минг нафар отлиқ оломон билан шаҳар ҳарбий гарнизонига ҳужум қилди. Улар казармада 30 га яқин милтиқни ўлжа қилиб, ухлаб ётган солдатлар устига таншландилар. 22 солдат ўлдирилди, 24 киши жароҳатланди. Жанг майдонида кўзғолончилардан 15 кишини жасади қолди. Кўзғолончилар кўплаб ярадорлар ва ҳалок бўлганларнинг жасадини олиб кетиб яшириндилар.

Кўзғолоннинг таъсири бутун улкани, айниқса, Фарғона водийсини қоплаб олди. Кўзғолонда Андижон, Наманган, Ўш уездларига қарашли Мингтепа, Асака, Қоратепа, Қува, Шаҳрихон, Новқат, Оқбура, Бўлоқбоши, Аравон, Сегаўин, Ёзевон, Яккатут, Қоғат, Сусамир, Кенгқўл, Қорағир сингари қишлоқ ва бўлисларнинг аҳолиси фаол қатнашди. Лекин кўзғолон енгилди. Кўзғолончилардан 777 киши ҳибсга олиниб тергов қилинди, 415 киши суд қилинди. 380 киши дастлаб ўлим жазосига маҳкум қилинсада, император “марҳамати” билан 18 киши осиб ўлдирилди 362 киши турли жазоларга тортилди. Қушчи, Тожик, Қашқар қишлоқларидан 680 хонадон Қақир даштига кўчирилди. Кейинчалик бу ер Марҳамат номини олди. 1898 йил 12 июнь куни Андижоннинг янги шаҳаридаги Тупроққўрғонда Дукчи Эшон бошчилигидаги кўзғолоннинг йирик вакиллари дорга осилди.

XX аср бошларида, айниқса, 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши натижасида Туркистон халқларига қилинаётган зулм янада кучайди. Фронт эҳтиёжлари учун халқни талаш авжига чиқди. Шундай бир оғир пайтда 1916 йил 25 июнда подшо Николай II фармон чиқарди. Унга кўра фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь, Кавказдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш кўзда тутилган эди. Бу фармонга кўра, жойларда мардикорлик рўйхати тузила бошланди. Рўйхатга асосан камбағаллар киритилди. Баъзи оилалардан 2-3 эркак рўйхатга олинган бўлса, баъзи оилалардан ягона бўлган эркак ҳам рўйхатга тиркалди. Бу нарса унинг оиласи, хотин бола чақалари боқувчисиз қолди деган гап эди. Буларнинг ҳаммаси усиз ҳам сабр косаси тўлган халқни кўзғолонга бошлади.

Кўзғолон 4 июль куни Хўжандда бошланди. У ерда 6000 киши намоёнишга чиқди. Полиция ва солдатлар ўқидан 3 киши ўлдирилди, 4 киши ярадор бўлди.

Қўзғолон Фарғона водийсида ҳам авжига чикди. Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда қўзғолон аёвсиз бостирилди. Марғилондаги чиқишларда 2500 одам қатнашган. Оломон бозор майдонига сиғмагач, қўшни кўчаларни ҳам тўлдирган. Ҳалққа зулм қилган бойлардан анчаси ўлдирилиб маъмурий биноларга ўт қўйилган. Қўзғолончилардан 8 киши ўлдирилган 63 киши қамоққа олинган. Қўзғолон Андижон ва Наманганнинг кўплаб шаҳар қишлоқларини қамраб олган. Вазият Тошкентда ҳам кескинлашди.

11 июлда Тошкент шаҳрида ғалаён бошланиб кетди. Ишчилар, шаҳар камбағаллари, ҳунармандлар, атрофдан келган деҳқонлар Бешёғоч полиция маҳкамаси олдида тўпланиб, болаларимизни бермаймиз, деб қичқирдилар. Тошкент қўзғолонида аёллар ҳам фаол қатнашганлар. Қўзғолончиларга қарши катта қўшин ташланди. Тўқнашувда 11 киши ўлдирилди, 15 киши жароҳатланди.

Халқ қўзғолони, айниқса, Жиззах шаҳрида ниҳоятда кучли бўлди. Бу ерда 13 июлда Назир Хўжа ва мулла Маҳамат Раим бошчилигида халқ бош кўтариб чикди. Улар 13-17 июль кунлари шаҳар ва унинг атрофидаги ҳарбий қисмларга, маъмурият вакилларига қарши хужум қилганлар Темир йўл изларини кўчирганлар, кўприк ва уйларни ёндирганлар, телефон симларини узганлар, темир йўл казармаларини остин-устун қилганлар. Қўзғолончилар Жиззах уездининг бошлиғи полковник Рукин, полиция штабс капитани Зотоғлев, таржимон Мирза Ҳамдам Зокиржонов, оқсоқол Мирзаёр Худоёров ва бошқаларни ўлдирадилар.

Чор маъмурияти Жиззах қўзғолони қатнашчиларини вахшийларча жазолади. Шаҳар, кўплаб қишлоқлар ер билан яксон қилинди. Шаҳар аҳолиси чўлга ҳайдалди. Хатто Жиззах фожеаси Петербургдаги йиғилишда муҳокама қилинди. Бу ишни текширган Дума аъзоси Керенский хулосасига кўра Чор маъмурияти ўта шафқатсизлик қилган. Жазо экспедицияси фақат эркакларни эмас, балки аёллар ва болаларни ҳам қириб ташлаган. Аҳоли турар жойларини шу қадар вайрон қилганки, бунақаси уруш майдонларида ҳам бўлмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1916 йил қўзғолони миллий зулмга, улкани хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришга қарши қаратилган эди. Унда аёлларнинг ҳам қатнашиши муҳим воқеадир. Қўзғолон шаҳар камбағаллари, деҳқонлар оммаси, айрим юқори табақа вакиллари қамраб олди. Қўзғолон ўзбек ва ўлкадаги бошқа халқларнинг мустақиллик, озодлик учун олиб борган курашлари тарихида ўчмас из қолдирди.

XX аср бошларида пахтачилик Туркистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, дон - 34 фоиз, чорвачилик 15,8 фоиз, бошқа соҳалар 1,2 фоизни ташкил қиларди. Туркистонда темир йўл қурилиши ва саноат корхоналарининг вужудга келиши туфайли аста-секинлик билан маҳаллий ишчилар синфи ҳам шакллана бошлади. Уларни асосан еридан ажралган деҳқонлар ва хонавайрон бўлган ҳунармандлар ташкил қилар эди. Туркистон ишчилар синфининг аҳволи ҳам жиддий эди. Зотан унинг шаклланиш жараёни ҳам мустамлакачилик шароитида ўзига хос бўлган. XX аср бошларида Россия марказидаги инқилобий ҳаракатлар, иш ташлашлар, социал демократик ҳаракатлар Туркистонга ҳам етиб кела бошлади.

1904 йилда Тошкентда социал - демократлар ва социал революционер (эсерлар)нинг “Иттифок гуруҳи” ташкил топди. Бу иттифок аъзолари ишчилар

ўртасида бир нечта тўғараклар тузди, хитобнома ва варақалар чиқарди. 1905 йил феввалида “Иттифок гуруҳи” Тошкент ишчиларининг биринчи иш ташлашини уюштирди. Оренбург - Тошкент темир йўли устахоналари ишчилари 19 февраль куни ишга чиқмай, маъмуриятга ўз талабномаларини жўнатдилар. Бу гуруҳ бир неча сиёсий чиқишлар ҳам ташкил қилдилар.

1905 йил мартада ундан социал-демократлар ажралиб чиқиб, РСДРП нинг Тошкент гуруҳини ташкил этдилар. Бу гуруҳ 1 май воқеаларини ташкил қилди, 3 та варақа чиқарди. Социал-демократик ташкилотлар, гуруҳлар Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган шаҳарларида ҳам ташкил топган эди. Ўзбек ишчиларидан Султонхўжа Акбархўжа Қосимжўжаевлар, Низомиддин Хўжаев, Мирзааҳмад Мирходиев ва бошқалар Туркистон миллий озодлик ва инқилобий ҳаракатларида салмоқли ўрин эгаллаганлар.

1905 йилда бошланган 1-рус инқилоби йилларида Туркистонда ҳам ишчилар, деҳқонлар ҳаракати авж олди. РСДРП нинг Тошкент гуруҳи ва эсерлар 15 октябрда Тошкент ва Қўқон темирйўлчиларининг, 16 октябрда Андижон, Чоржўй, 17 октябрда Самарқанд ишчиларининг ҳаракатига бошчилик қилдилар. Биринчи рус инқилоби раврида қишлоқларда ҳам синфий кураш кучайди. Деҳқон ғалаёнлари, айниқса, 1905 йил февраль-апрел ойларида ўтказилган сайловлар пайтида авж олди. Бундай ғалаёнлар Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида авж олди. Деҳқонлар оқсоқоллар сайловида ҳукумат томонидан кўрсатилан кишиларни сайлашдан бош тортдилар. Натижада баъзи жойларда тўқнашувлар келиб чиқди.

Қишлоқлардаги синфий курашлар натижасида Намоз Пиримқулов каби курашчилар етишиб чиқди. Намоз Пиримқулов 1904-1907 йилларда Самарқанд атрофидаги қишлоқларда, тоғларда ўз йигитлари билан бирга қасоскорона кураш олиб борди. У биринчи навбатда халққа зулм ўтказган бойлар, савдогарлар, судхўр ва йирик мулкдорларнинг мол-мулкани ториб олиб, халққа бўлиб берди. Унинг гуруҳи гоҳ кечаси гоҳ кундузи тўсатдан пайдо бўлиб мингбоши, юзбоши, қишлоқ оқсоқоли ва бойларнинг уйлари, кўрғонларига ҳужум уюштириб, уларнинг мол мулкани мусодара қилар эди. У Оғалиқ қишлоғидан оқсоқол Назар Мухаммад. Арабхона қишлоғидан мингбоши Хидирбоев, мингбоши Лутфулла Хўжаев ва бошқа жуда кўплаб чор маъмуларига сидқидилдан хизмат қилганларни жазосини берган. Намоз Пиримқуловнинг “жиноий ишлари” ҳақидаги маълумотлар 12 жилдни ташкил қилганлиги у олиб борган ишларнинг кўламини билдиради. Намоз Пиримқуловнинг “жасорати”, қўлга тушмаслигини Самарқанд ҳарбий губернатори Гескет ҳам тан олган. Намоз Пиримқулов ҳар қанча таъқибдан ҳам қочиб қўтилишини, уни аҳоли қўллаб-қувватлаши, Самарқанд ва Тошкент маъмуриятида ҳам одамлари бўлиб, зарур ахборотлар, қурол-яроғлар билан таъминлаб турганлигини ёзган.

1905 йил кузида волость бошлиғи сотқин Л.Хўжаев хабаридан сўнг Намоз Пиримқулов ва унинг сафдошлари қўлга олинади. Лекин у 50 йигити билан турма остидан лаҳм кавлаб қочиб кетади. Намоз Пиримқулов отрядига қарши жанговор казак дивизияси юборилади. “Ўзбек Дубровскийи” номини олган Намоз Пиримқуловга қарши кураш осон кечмади. “Намоз операцияси” учун Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори ёрдамчиси полковник Сусанин жавобгар қилиб

тайинланди. Унга рус армиясининг кавелария генерали Саид Абдулахадхон ҳам жалб қилинди.

Бухоро чегарасида 12 та, Самарқанд ва Каттакўрғон туманларида 10 та кузатув пости ташкил қилинди. 1907 йил июнда Намоз ўлдирилди. Туркистон генерал-губернатори Намоз ўлимидан жуда хурсанд бўлади. Бу курашда “ўрناق кўрсатган”ларни олтин, кумуш нишонлар билан мукофотлайди. Намознинг ўлимидан кейин ҳам қишлоқларда унинг сафдошлари курашни давом эттирдилар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX аср бошларида Туркистон шаҳар ва қишлоқларидаги курашлар маҳаллий аҳолининг мустамлакачилар зулмига, сиёсатига қарши қаратилган озодлик курашларининг давоми эди.

Чор Россияси Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириб, уни капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига тортгандан сўнг, Туркистонда миллий буржуазия, савдо-саноат эгалари шакллана бошлади. Лекин чоризм миллий буржуазиянинг пайдо бўлишидан манфаатдор эмас эди. Чунки қулай фурсат келиши билан миллий буржуазия вакиллари ўз халқи билан бирлашиб, чоризмга қарши чиқишидан чўчир эди. Шунинг учун ўсиб келаётган ўзбек маҳаллий буржуазиясининг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини чеклашга интилар эди.

Чор ҳукумати Туркистон халқларини ҳар томонлама эзиб, мустамлакачилик зулмини кучайтираётган бир пайтда ўлкада миллат манфаатини ўйлидиган тараққийпарвар кучлар ҳам бўлиб, улар турли табақаларга: ҳунарманд, деҳқон, буржуазия ва руҳонийларга мансуб эдилар. Улар халқнинг миллий онгини ўстириш, ўзлигини англатишни маърифатдан қидирадилар. Бундай кишилар - жадиждлар деб номланди. Жадиждчилик ҳаракатининг турк дунёсидаги ғоявий отаси Қрим татар фарзанди Исмоил Гаспирали (Гаспиринский) ҳисобланади. У турли илмлардан хабардор, бир неча чет тилларни мукаммал билган, илм-фан ютуқлари билан танишган. Мусулмон туркий оламини жаҳон маърифати, илмий даражасига кўтариш мақсадини қўяди.

Россия мустамлакасида бўлган мусулмон ҳудудларида маърифни ислох қилиш, уларда диний таълим билан бирга дунёвий билмларни ўқитиш масаласини кўтаради. 1884 йилда Қримдаги Боқчасаройда жаид мактабини очиб, ўзи тузган дастур ва дарслик асосида 40 кунда 12 ўқучининг саводини чиқарди. Бу усул - ҳарф товуш усули, “усули жаид” номи билан тез шухрат қозонади. Исмоил Гаспиринский ўз ғояларини “Таржимон” газетаси орқали тарғиб қилади. 1888 йилда “Раҳбари муаллимин” ёки муаллимларга йўлдош” китобини нашрдан чиқарди. Унда жаид мактабларини қуриш, дарс ташкил қилиш, ўтиш мазмуни, жиҳозланиши, дарс жадвали, таотиллар, имтиҳонларни ташкил қилиш кўрсатиб берилган.

1893 йилда Исмолий Гаспиринский Туркистонга келди. Зиёлилар вакиллари билан учрашди. Бухоро амири ҳузурида бўлиб, уни зўрға 1 та жаид мактаби очишга кўндиради. Бироқ руҳонийлар қутқусига учган амир Бухородаги янги фикр тарафдорларини зиндонга ташлайди. И.Гаспиринский 1904 йилда Бухорога яна келиб, амир билан музокаралар олиб боради ва унинг отаси номи билан аталувчи “Музаффария” жаид мактабини очишга рухсат олди. Гаспиринскийнинг Туркистонга сафари ўлкада жаидчилик ҳаракатини

ривожланиши ва кенг ёйилишига таъсир қилди. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жаид мактаби бор эди.

XX аср бошларида жаидлардан Махмудхўжа Беҳбудий, С.Айний, А.Авлоний, Мунаввар Қори, Фитрат кейинчалик Ҳамза Чўлпон ва бошқалар ватанпарвар ва миллатпарвар ёшларни тарбиялашдек ишга бош бўлдилар. Жаидларнинг Туркистон озодлиги учун курашида асосан уч йўналиш мавжуд бўлган. Булар: янги усул мактабларини очиш; умидли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли Маърифий жамиятларни тузиш ва зиёлиларнинг фирқасини ташкил қилиш эди.

Жаидлар бир неча матбуот органларини ташкил қилганлар. 1906 йилда “Тараққий”, “Хуршид” газеталари. 1907 йилда “Шухрат” газетаси чиқарилди. М.Беҳбудий 1913 йилда “Самарқанд” газетасини чиқарди. 1913 йил 20 августдан “Ойна” журнали, 1914 йилдан “Садойи Туркистон” ва бошқалар нашр қилинди. 1909 йилда Мунаввар қори маслакдош дўстлари билан “Жамияти хайрия”ни ташкил қилади. Бу жамият “Дорул ожизин”ни очиб, бир неча ожиз ва бечораларни тарбияга олади, бир неча мактаб ва мадрасаларга 100 сўм, 200 сўмдан хайриялар беради. 60 та фақир ва бечора болаларни турли мактабларда ўқитади.

Жаидлар бу жамият орқали Россия ва Тукиядаги олий ўқув юртларига ёшларни юбориб ўқитиш билан ҳам жиддий шуғулланардилар. 1910 йилда Уфадаги “Олия” мадрасасида 10 дан ортиқ ўзбек ўқиган. Бу йилларда Москва, Петербург, Варшава ва Олмонияда ҳам ўзбеклар ўқиганлар. Бухорода ташкил қилинган “Тарбиян афтол” жамияти 1911 йилда 11 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. Россияда адлия соҳаси бўйича таълим олган Асадулахўжа ўғли Убайдуллахўжа ўзбек зиёлиларининг “Тараққийпарварлар” фирқасини тузади. Фирқа 1914 йилдан “Садойи Туркистон” газетасини чиқаради. Газета атрофига М.Беҳбудий, Мунавварқори, А.Қодирий, А.Авлоний Х.Ҳ.Ниёзий, Лутфулло Олимий, Чўлпон ва бошқалар уюшиб, Туркистон халқлари тарихи, маданияти, истиқболи ҳақида кўплаб мақола, ҳикоя, қиссалар эълон қилганлар.

Ўзбек театр саноатига ҳам биринчи бўлиб жаидлар асос солганлар М.Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесаси ўзбек драмачилигининг биринчи намунаси ҳисобланади. “Падаркуш” 1914 йил 15 январда Самарқандда сахнага қўйилади. Бу пьеса 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей биносидан А.Авлонийнинг “Турон” группаси томонидан қўйилади. А.Авлонийнинг ўз ҳам роль ўйнайди. Спектакль олдида Мунаввар қори нутқ сўзлаб, театрнинг халққа фойдаси ҳақида гапиради. А.Авлоний эсдаликларига кўра, бу спектакль 1914-1916 йилларда Фарғонанинг кўплаб шаҳарларида кўрсатилган.

Жаидлар мактаблар очиш билан бирга, қатор дарсликлар ҳам яратганлар. Масалан, М.Беҳбудийнинг “Мунтахаби жуғрофиё умумий” (Қисқача умумий география), “Китобатул афтол (Болалар мактаблари), “Мухтасари тарихи ислом” (Исломнинг қисқача тарихи), “Мадхали жуғрофиён умроний” (Аҳоли географиясига кириш), “Мухтасар жуғрофиён Русий” (Россиянинг қисқача географияси), Ҳамзанинг бошланғич синфлар учун алфбоси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Назорат саволлари

1. Рус ва Гарб давлатларининг Ўрта Осиёга қизиқиши қачон ва қандай бошланди?
2. Россиянинг Ўрта Осиёга дастлабки ҳужумлари қандай оқибатлар билан тугади?
3. Россия томонидан Ўрта Осиёни забт этишнинг узоқ муддатли стратегик режаларини асосий сабаблари нимада?
4. Ўрта Осиё босиб олингандан кейин Россия ўзининг мустамлакачилик тартибларини қандай амалга оширди ва халқ уни қандай қабул қилди?
5. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати ва унинг маҳаллий халқлар маданиятини қандай тушкунликларга олиб келди?
6. Ўрта Осиё халқлари ҳаётини руслаштириш сиёсати ва унинг маҳаллий халқлар маданиятини қандай оқибатларга олиб келди?
7. Россия мустамлакачилик сиёсатидан маънавий қадриятларимиз кўпгина йўқотишларга қарамасдан қандай ва қанчалик сақланиб қолди?
8. Юқоридаги фикрларга асосланиб мустамлакачилик сиёсати ва у келтириб чиқарган асоратларга, ўзингизни фикрингиз?

12-мавзу:

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ

Режа:

-
1. Россиядаги 1917 йил февраль буржуа- демократик инқилобининг ўлкамизга таъсири.
 2. Туркистон мухториятининг ташқил этилиши.
 3. Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши қуролли ҳаракат.
 4. Хива хонлигида ва Бухоро амирлигида Советлар истибдодига қарши қуролли ҳаракатлар.
-

Таянч иборалари

1917 йил февраль буржуа - демократик инқилоби , Советлар, Касаба уюшмалари, Туркистон комитети, “Шўрои Исломия”, “Шўрои уламо”, Муваққат ҳукумат, Туркистон ўлка мусулмонлари Совети, 1917 йил октябрь тўнтариши, Туркистон мухторияти, қаришлик кўрсатиш ҳаракати, “Муваққат Фарғона ҳукумати”, Қизил армия, миллий-озодлик уруши, партизанлар ҳаракати, Совет ҳокимияти, Туркистон АССР, “Ҳарбий коммунизм”, галла монополияси, революцияни экспорт қилиш, Бухоро Халқ Совет республикаси, Хоразм Халқ Совет республикаси.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан кайтмайди. Асарлар, 4-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 302-320.
2. Агзамхужаев С. История Туркестанской автономии: (Туркистон мухторияти). - Т.: Тошкент ислом университети, 2006.
3. Аъзамхужаев С. Туркистон мухторияти. - Т.: Маънавият, 2000.
4. Иброхим Карим. Мадаминбек. - Т.: Ёзувчи, 1993.
5. Ражабов К., Хўдаиров М. Туркистон тарихи. - Т.: Университет, 2002.
6. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Т.: Шарқ, 2000. -С. 80-112.
7. Усмонов К., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1991 йиллар). - Т.: Шарқ, 2001.
8. Хужаев Мансурхужа. Курбоши ШерМухаммадбек / Р. Шамсуддинов, К., Ражабовлар таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2008.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000. -Б. 51-102.
10. Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. - Т.: Шарқ, 2001. -Б.172-185.

11. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -Б. 381-426.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... жилдлар.
13. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий - сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми - XX аср биринчи чораги) / Масъул муҳар. Қ., Ражабов. -Т.: 2007.
14. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистан тарихидан материаллар. К.3. - Андижон: 2004. -Б. 59-101, 134-205.
15. Usmonov Q. Ozbekiston tarixi. - T.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. -B. 218-247.
Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (XVI - XX asr boshlari); K.2 / Mas'ul muharrirlar: O'. Mavlonov, Q. Usmonov. - T.: Sharq, 2010. - B.10-185.

1917 йилнинг февралида Петроградда буржуа-демократик инқилоб ғалаба қозонди. Подшо Николай II тахтдан воз кечди. Ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтди. Монархиянинг ағдарилиши мамлакатнинг демократик тараққиёт йўлига ўтишига имконият яратди. Сиёсий махбуслар қамоқхоналардан озод этилди. Барча сиёсий ташкилотлар ва партиялар ошкора фаолият кўрсата бошладилар. Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари, касаба уюшмалари ташкил топди. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва бошқа демократик эркинликлар кулоч ёза бошлади.

1917 йилнинг март ойида Тошкентда “Шўрои Исломия” жамияти тузилди. Бу жамият ва унинг жойлардаги ташкилотлари маҳаллий аҳоли депутатлари Советлари вазифасини бажарар эди. “Шўрои Исломия”нинг ташаббуси билан апрель ойида чақирилган Туркистон мусулмонларининг I ўлка қурултойи Муваққат ҳукуматни қўллаб-қуватладади ва федератив демократик Россия таркибида Туркистонга мухторият бериш ғоясини ўртага ташлади. Лекин ҳадемай миллий демократларнинг сафида бўлиниш рўй берди. Июнь ойида руҳонийлар ва уларнинг тарафдорлари “Шўройи уламо” деб номланган ташкилотни туздилар. “Шўройи Исломия”дан фарқли ўлароқ “Шўройи уламо” тарафдорлари жамиятда шариат қонунларининг устиворлигини таъмин этишни истар эдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳокимият тепасида турган Муваққат ҳукумат биринчи галда йирик буржуазия ва помещикларнинг манфаатларини ифода этарди. Шу боисдан бу ҳукумат халқ оммасининг энг асосий талабларини бажаришга шошилмасди. Меҳнаткашларга жуда кўп кулфатлар келтирган биринчи жаҳон урушуни тўхтатиш ва помещик ер эгалигини тугатиш ана шундай масалалар жумласига кирарди. Устига-устак уруш оқибатида мамлакатдаги иқтисодий аҳвол тобора ёмонлашиб борди: нарх-наволар ошди, озиқ-овқат таъминоти ёмонлашди.

Буларнинг ҳаммаси аҳолининг бир қисмида норозилик кайфиятларини уйғотди. Одамларнинг Муваққат ҳукуматдан ихлоси қайтди. Большевиклар ва бошқа сўл партиялар юзага келган вазиятдан усталик билан фойдаландилар. Улар рус ишчилари, камбағал деҳқонлар ва солдатлар орасида ташвиқотни кучайтирдилар. Большевиклар оммани социалистик инқилобни амалга оширишга, мамлакатда пролетариат диктатурасини ўрнатишга даъват этдилар.

Иқтисодий қийинчиликлар ва озиқ-овқат таъминотининг ёмонлашганлигини рўқач қилиб, Тошкент шаҳар ишчи ва солдат депутатлари Совети сентябрь ойида большевикларнинг инқилобий режаларини амалга оширишга уриндилар. Уларнинг чақириғи билан Тошкент кўчаларига чиққан ишчи ва солдатлар ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрдилар. Лекин Туркистон Советларининг кўпчилиги ва ўлкада миллий ташкилотлар Тошкентдаги сентябрь воқеаларини қораладилар. Муваққат ҳукумат томонидан юборилган генерал Коровиченко бошчилигидаги жазо экспедицияси шаҳардаги тартибсизликларни бостиришга муваффақ бўлди.

Сентябр воқеаларидан кейин Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият кундан-кунга кескинлашиб борди. Очарчилик кучайди, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайди. Оқибатда камбағал аҳоли орасида норозилик кайфиятлари ошди. 1917 йил 27 октябрда Петрограддан телеграмма олинди. Телеграммада пойтахтда қуролли қўзғолон ғалаба қозонганлиги ва ҳокимият Советларнинг қўлига ўтганлиги, В.И. Ленин бошчилигида янги ҳукумат тузилганлиги маълум қилинган эди. Бу хабар Тошкентдаги воқеалар ривожини тезлаштирди. 28 октябрда бу ерда шаҳар Советининг ташаббуси билан қуролли қўзғолон бошланди.

Қўзғолонда асосан рус ишчи ва солдатлари иштирок этдилар. 3 кунлик жанглардан сўнг ҳокимият Тошкент Советининг қўлига ўтди. Октябр тўнтариши мамлакатда содир бўлаётган демократик жараённинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Таъсис Мажлисига сайловлар ўтказилиб, янги қонуний бошқарув тизими вужудга келаётган бир пайтда большевикларнинг ташвиқотиغا учган ишчи ва солдатлар зўравонлик йўли билан ҳокимиятни Советлар қўлига олиб бердилар. Бу ҳол Туркистон аҳолисининг катта қисмида норозилик уйғотди.

Туркистон ўлка Совети, Ўлка мусулмонлар совети ва бошқа жамоат ташкилотлари бу қонли воқеани қораладилар. Масалан, 1917 йил 6 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган шаҳар Совети ва демократик ташкилотнинг қўшма йиғилишида “Петроградда большевиклар томонидан ҳокимиятнинг қўлга олиниши бутун мамлакатда демократия эмас, балки большевиклар амрини ўтказишдир” деб таъкидлади. Йиғилиш қатнашчилари Тошкентдаги октябр воқеаларига қуйидагича муносабат билдирдилар: “Тошкентдаги даҳшатли воқеалар демократик ташкилотларнинг фаол иштирокида тафтиш этилсин ва бу воқеаларнинг айбдорлари дарҳол жавобгарликка тортилсин”. Лекан ўша пайтда реал ҳарбий кучга эга бўлган ҳамда популистик, оммага хуш ёқадиган шиорларни ўзига қурол қилиб олган советлар ва большевиклар партияси бундай талабларни мутлақо инобатга олмадилар.

Туркистоннинг туб жойли аҳолиси улар таклиф этган социалистик тараққиёт йўлига қарши эканлигини ҳисобга олмай, ҳокимиятга маҳкам ёпишиб олдилар ва ўлкада Совет ҳокимияти тизимини барпо эта бошладилар. 15-22 ноябрда Тошкентда ўлка Советларининг III съезди бўлиб ўтди. Съездда муҳокама қилнган масалаларнинг энг асосийси ҳокимият масаласи эди. Большевик-депутатлар бу масалага синфий асосда ёндашишни ва ўлкада пролетар ҳокимиятни ташкил этишни таклиф этдилар. Ўнг эсерлар ва меньшевиклар эса коалицион ҳукумат тузиш, бу ҳукуматни ташкил этишда барча демократик

ташқилотларнинг иштирокини таъмин этиш ҳамда ҳукуматдаги ўринларнинг ярмини мусулмон аҳолиси вакилларига беришни ёқлаб чиқдилар. Ҳокимият масаласини муҳокама этиш жуда қизғин ўтди. Съездда мазкур масала бўйича “Шўрои уламо” ташқилотининг раҳбари Шерали Лапин ҳам ўз фикрини билдирди. У “ мусулмонлар ўлкада фақатгина битта инқилобий демократия ҳукм суришига қарши турадилар” деб айтди. “Мусулмонлар бутун ҳокимиятни талаб қила олсалар-да бироқ келгинди унсурларга ён бериб, уларнинг вакилларини ҳукуматга киритади”, деди нотиқ. Ш. Лапин “ ҳукуматни бошқача ташқил этишда мусулмонлар қатнашмайдилар”, деб огоҳлантирди. Нутқнинг охирида у мусулмонлар “ мамлакатни таъсис Мажлисига олиб борадиган ҳокимиятни қўллаб-қувватлайдилар”, деди. Ш. Лапиннинг нутқидан мусулмонлар совет ҳокимиятини тан олмаслиги аён бўлиб қолди. Ш. Лапин нутқини муҳокама қилиш чоғида меньшевик Ванштейн ўлка Совети таркибига мусулмонлар вакилларини киритишни таклиф этди. Бироқ унинг бу таклифи делегатлар томонидан қувватланмади, Съезд резолюциясида очикдан-очик бундай дейилади: “Ҳозирги пайтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳукумати органига киритиш маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советига муносабатининг буткул ноаниқлиги, маҳаллий аҳоли орасида синфий ташқилотларнинг йўқлиги туфайли номатлубдир”.

Шундай қилиб, Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки кунлардаёқ Советлар ҳамда уларда кўпчилиكنи ташқил этган большевиклар ва сўл эсерлар катта сиёсий хатоликка йўл қўйдилар. Улар Туркистон халқларини ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқидан маҳрум этдилар. Маҳаллий миллат вакиллари ҳатто улкани бошқариш ишига ҳам жалб қилинмади. Совет ҳокимияти чор ҳукуматининг шовинистик сиёсатини давом эттирди. Ана шундай шароитда мусулмон ташқилотлари ҳокимиятни ўз қўлларига олишга ва Туркистон учун мухторият мақомини олишга қарор қилдилар.

1917 йилнинг 26 ноябрида Қўқонда Туркистон мусулмонларининг 4 фавқулодда қурултойи ўз ишини бошлади. Қурултойнинг кун тартибида Туркистон мухториятини таъсис этиш асосий ўрин эгаллади. Мазкур масала бўйича қабул қилинган резолюцияда шундай дейилади: “Съезд Туркистонда яшовчи миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга асосланиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиши шакллари Таъсис Мажлисига ҳавола этади”. Қурултой Туркистонда яшаётган миллий озчилик аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

28 ноябрда бўлажак давлат тузилмасининг номи “Туркистон мухторияти” деб белгиланди. Қурултойда Муваққат ҳукумат тузилди. Ҳукумат бошлиғи этиб “Алаш Ўрда” партиясининг раҳбари инженер М.Танишбоев сайланди. Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ўлкада сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Тошкентдаги Туркистон совет ҳукумати ҳам, Қўқондаги мухтор ҳукумат ҳам ўзларини ўлкада ягона қонуний ҳукумат деб билар эдилар. Туркистондаги айрим сиёсий ташқилотлар ва партиялар совет ҳукуматини, бошқалар эса мухтор ҳукуматни тан олишларини маълум қилдилар. Бу икки

хукумат ўртасидаги ихтилофни музокара йўли билан хал этишга уринишлар натижа бермади.

Хориждаги тарихчилар Туркистон мухторияти ҳақида эътиборга сазовор фикрларни баён этганлар. Жумладан, Х.Сетон-Уотсон, Ж.Уилер, Э.Д.Анкос сингари тадқиқотчилар “Қўқон мухторияти халқ иродасини ифодалаган ҳамда Туркистон озодлиги тарафдорлари бўлган халқ вакиллари” эканлигини таъкидлаганлар. Улканинг турли шаҳар ва қишлоқларида мухториятни қўллаб-қувватлаш мақсадида митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. Лекин бу намойиш қонли тўқнашув билан тугади, намойишчилардан 15 киши, аскарлардан 1 киши ҳалок бўлди. Митинг ва намойишлар давомида мухторият хазинасига маблағ тўплаганлиги ҳам аҳоли Туркистон мухтор ҳукуматига хайрихоҳ эканлигининг исботидир.

1917 йилнинг декабрь ойида Туркистон мухтор ҳукумати бошлиғи М.Танишбоев истеъфога чиқди. Унинг ўрнига М. Чўқаев бош вазир этиб сайланди. Янги ҳукумат бошлиғи кескин сиёсий вазиятни имкон борича советлар билан музокара олиб бориш йўли билан хал этишга ҳаракат қилди. Лекин мухториятчиларнинг экстремистик кайфиятдаги бир қисми Эргаш кўрбоши бошчилигида масалани қуролли йўл билан хал қилишга интилдилар.

1918 йилнинг январида ўлка Советларининг II съезди Туркистон мухториятни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг бундай кайфиятлар янада кучайди. Эргаш кўрбоши қўшинлари Қўқоннинг янги шаҳрига ҳужумлар уюштирдилар, шаҳар қалъасини штурм билан олмоқчи бўлдилар. Лекин қалъани олиш уларга насиб этмади. Шундан сўнг ўлка совет ҳукумати мухториятни ҳарбий йўл билан бостиришга киришди. Генерал Скобелев ва Тошкент шаҳарларидан Қўқонга ҳарбий кучлар юборилди. 1918 йил 19 феврал соат 13 да қизил гвардиячи аскарлар Қўқоннинг эски шаҳрини замбараклардан ўққа тутта бошладилар. Эртаси куни 20 февралда шаҳарга қизил аскарлар кириб келдилар. Бир неча кун давомида шаҳарда шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Воқеанинг гувоҳи бўлган шахсларнинг гувоҳлик беришича, “рухонийлар бошчилик қилган халқ оммаси биронта бинони, биронта омборни, биронта савдо корхонаси ва карвонсаройни жангсиз душманга топширмас эдилар”. Аммо кучлар тенг эмас эди. Қизиллар ҳарбий жиҳатдан бекиёс даражада устун эдилар. Шунинг учун ҳам уч кунлик жанглардан сўнг Эргаш кўробошининг йигитлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Ваҳимага тушган Қўқон аҳолиси шаҳарни тарк эта бошлади. Шаҳар қизил аскарлар ва дашнаклар томонидан талон-тарож қилинди. Қўқон уч кеча-кундуз олов ичида қолди. Уйлар, мануфактура ва дон омборлари ёниб кул бўлди. Ўша вақтда Қўқонда инглиз разведкаси ходими шахид бўлганлар сони 3 минг киши бўлганлиги кўрсатиб ўтади. Мухтор ҳукуматига алоқадор бўлган 30 киши қамоққа олинди. Уларнинг айримлари қўлга тушиши биланоқ судсиз отиб ташланди. Фарғона водийси ва Туркистон ўлкасининг барча шаҳар ва қишлоқларида совет ҳокимияти ўрнатилди. Хусусий мулк национализация қилинди. Дахрийликни ўзига шиор қилиб олган Совет ҳокимияти динни таъқиб эта бошлади. Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши Фарғонада маҳаллий аҳолига нисбатан бошланиб кетган зўравонлик ва террорчилик ҳаракатининг

дебочаси эди. Кўқон қонли воқеаларидан сўнг иқтисодий ва маънавий соҳаларда ҳам туб жойли аҳолининг миллий манфаатларига, диний эътиқоди ва анъаналарига зид бўлган сиёсат олиб борилди.

Саноат корхоналарининг национализация қилиниши, аҳолининг бой қатламларига солинган контрибуциялар, отлар ва озиқ-овқатларнинг реквизиция қилиниши, қизил аскарлар томондан содир қилинган зўравонлик ва талончилик, эски диний мактаб ва мадрасаларнинг ёпилиши, қозилар судининг бекор қилиниши, вақф ерларининг мусодара этилиши ана шулар жумласидандир. Натижада Фарғона ва бошқа вилоятларда маҳаллий аҳолининг кенг қатламлари Шўролар ҳокимиятига қарши қуролли кураш бошлади. 1918-1924 йиллардаги воқеалар эса ўзининг кўлами ва усуллари жиҳатидан истиқлолчилик ҳаракатининг алоҳида бир даврини ташкил этади ва том маънода юртимиз мустақиллиги учун олиб борилган озодлик уруши эди.

Миллий-озодлик урушида Марказий Осиё туб жойли аҳолисининг кенг қатламлари - дехқонлар, хунармандлар, буржуазия, руҳонийлар, қисман ишчилар ва зиёлилар қатнашдилар. Уларнинг асосий мақсади мустабид совет режимини ағдариш ва Туркистонни мустақил давлатга айлантириш эди. Ўлка русийзабон аҳолисининг бир қисми қаршилик кўрсатиш томонида туриб, Шўролар ҳокимиятига қарши кураш олиб борди. Улар жумласига собиқ чор армиясининг офицерлари, эски маъмурият амалдорлари, казаклар, капиталистлар ва кулоқлар кирардилар.

Рус аксинқилобчилари большевиклар зўрлик билан тикиштираётган социалистик тузумга қарши бўлиб, Туркистонни буржуа Россия республикаси таркибида бўлишини истардилар. Миллий озодлик уруши жараёнида қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг йўлбошчилари - кўрбошилар етишиб чикдилар. Айниқса Кичик ва Катта Эргашлар, Мадаминбек, ШерМухаммадбек, Иброхимбек Лақай, Мулла Абдуқаххор, Жунайдахон кўрбошилар ҳаракатда муҳим роль ўйнадилар.

Миллий озодлик уруши Туркистон мухторияти бостирилиши биланок бошланди. Озодлик кураши байроғини биринчи бўлиб Кичик Эргаш кўтарди. Кўқон яқинидаги Бачқир қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олган Кичик Эргаш қизилларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борди. Жанглардан бирида Кичик Эргаш халок бўлгандан сўнг кўрбошилик лавозимини шу ерлик Катта Эргаш ўз зиммасига олди. Бирмунча кейинроқ истиқлол учун курашга Мадаминбек қўшилди. Мадаминбек тузган қуролли дасталар Марғилон шаҳри атрофларида ҳаракат қила бошладилар. Ўш томонларда Холхўжа эшон, Наманган уездида Қобилбек ва ШерМухаммадбеклар бошчилигида Шўро ҳокимиятига қарши қуролли кураш бошланиб кетди. 1918 йилнинг мартада Бачқир қишлоғида бўлиб ўтган Фарғона кўрбошилари қурултойида ягона қўмондонлик тузишга қарор қилинди. Эргаш кўрбоши олий бош қўмондон - амирулмуслимин этиб сайланди.

Совет ҳокимияти Фарғонада бошланиб кетган халқ ҳаракатига тўғри сиёсий баҳо бермади. Партия ва совет раҳбарлари бу қуролли ҳаракат ағдариб ташланган эксплуататор синфлар - буржуазия, феодаллар ва руҳонийлар синфий курашининг бир шакли деб баҳоладилар. Шунга яраша халқ ҳаракатини тугатишнинг бирдан-бир йўли куч ишлатиш деб эътироф этилди. Совет ҳокимияти маҳаллий халқни

қаршилик кўрсатишга “хомийлик қилиш”, уларни қўллаб-қувватлашда айблаб, аҳолига нисбатан террор усулини қўллай бошлади. Бунга жавобан маҳаллий халқ вакилларининг катта қисми қаршилик кўрсатиш сифига келиб қўшилди. Кураш тобора кескин тус ола бошлади. Қисқа муддат давомида бутун Фарғона жанговор ҳаракатлар майдонига айланди. Бироқ тайинли бир фронт чизиғи йўқ эди. Бу аслида бутун вилоятга ёйилган партизанлар уруши эди. 1918 йилнинг кузида истиклол учун курашчиларнинг сони 15 минг кишига етиб борди.

1919 йилнинг баҳорида мустақиллик учун олиб борилган уруш кенг қулоч ёзди. Мадаминбек бошчилигидаги отрядларнинг йирик операциялари Наманган атрофларида бошланди. Андижон уездида Маҳкам хожи отрядлари жанг олиб борди. ШерМухаммадбек эса Марғилонни эгаллади. Қаршилик кўрсатишнинг йирик жанговор кучлари Қўқон ва Жалолобод учун кураш олиб бордилар. Деярли бутун Фарғона водийси кўрбошилар отрядларининг назорати остига ўтди. Шўролар ҳокимияти амалда фақат шаҳарларда, темир йўл станциялари ва қонларда сақланиб қолди. Мусулмон коммунистлар бу ҳаракатни куч билан бостиришга қарши чиқдилар. Улар қаршилик кўрсатиш учун умумий авф эълон қилишни талаб қилдилар.

Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети бу талабни инобатга олиб, 1919 йилнинг 7 майида умумий авф эълон қилди. Лекин бу тадбир кўтилган натижани бермади, чунки “ҳарбий коммунизм” сиёсати доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар, яъни озик-овқат развёрткасининг жорий этилиши, ғалла монополияси, бозорларни бекитиш ва ҳоказо - ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескнинлаштирди ва қаршилик кўрсатиш сафларига янгидан-янги кучларнинг келиб қўшилишига сабаб бўлди.

Мустақиллик учун олиб борилган қуролли ҳаракатлар Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳам ёйилди. Рус муҳожир дехқонларидан тузилган ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари даставвал қаршилик кўрсатишга қарши ҳаракат қилган эди. Лекин “ҳарбий коммунизм” сиёсати жорий этилгандан сўнг рус дехқонларининг совет ҳокимиятидан ихлоси қайтди. Уларнинг отрядлари Монстров қўмондонлиги остида алоҳида Дехқонлар армиясига бирлашиб, Шўроларга қарши кураш бошладилар. Мадаминбек барча антисовет кучларни бирлаштириш мақсадида 1919 йил 1 сентябрида Дехқонлар армияси билан иттифоқ тузди. Шундан сўнг Фарғона водийсида йирик ҳужум операциялари ўтказилди.

Бирлашган кучлар 8 сентябрда Ўш шаҳрини қўлга киритдилар. 10 сентябрда Андижон қамали бошланди. Қаршилик кўрсатиш бир ойлик жанглар давомида шаҳарни ололмадилар ва қизилларнинг тазйиқи остида Олой томонга чекиндилар. 22 октябрда Эргаш томонидан ўтказилган кўрбошилар қурултойида Муваққат Фарғона ҳукумати тузилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи ва бош қўмондон этиб, Монстров эса унинг ўринбосари этиб сайландилар. Совет ҳокимиятига қарши ҳарбий ҳаракатлар яна давом эттирилди. Аммо 1919 йилнинг охирларида Марказий Осиёдаги сиёсий вазият Шўролар ҳокимияти фойдасига ўзгара бошлади. Биринчидан, марказдан узилиб қолган Туркистон Колчак ва Деникинлар армиялари ва атаман Дутовнинг дасталари тор-мор этилиши натижасида Оренбург орқали Россия билан боғланди. Россиядан Туркистонга

янги ҳарбий кучлар олиб келиниши имконияти туғилди. Иккинчидан, совет давлати Фарғонада ҳўжалик ҳаётини тиклаш, уларга моддий ва молиявий ёрдам беришни йўлга қўйди. Учинчидан, совет органлари аҳоли орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтирдилар. Ана шулар натижасида урушдан толиққан деҳқонлар тинчгина турмуш кечириш умидида ўз хонадонларига қайтиб кела бошладилар. Бу эса истиқлолчилик ҳаракатининг ижтимоий базасини маълум даражада торайишига олиб келди.

Ана шундай вазиятда 1920 йилнинг январь-февраль ойларида Қизил армиянинг қаршилик кўрсатишнинг асосий базаларига қарши ўтказган ҳарбий операциялари муваффақият қозонди. Эргаш кўрбошининг Бачқирдаги базаси ишғол этилди, унинг ўзи эса жангда ҳалок бўлди. Рус деҳқонлар армияси ҳам тормор этилиб, унинг қўмондони Монстров асирга олинди. Наманган, Мингтепа-Аравон ва Пайтуғ-Учқўрғон районларида Мадаминбек, ШерМухаммадбек ва қаршилик кўрсатишнинг бошқа йирик қўшилмаларига анчагина шикаст етказилди. Буларнинг ҳаммаси қаршилик кўрсатишнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Айрим кўрбошилар орасида ихтиёрий совет ҳокимияти тарафига ўтиш кайфиятлари пайдо бўлди. Норин билан Қорадарёнинг қўшилиш жойида йирик мағлубиятга учраган Мадаминбек ўзининг асосий кучларини сақлаб қолиш мақсадида 1920 йилнинг 6 мартида 2-Туркистон дивизияси қўмондонлиги билан тинчлик битимини имзолашга мажбур бўлди. Мадаминбекнинг талаби билан шартномага қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилди “Туркистон фуқаролари ҳаётини ташқил этишда Совет ҳокимияти шариат асосларини сақлаб қолади, меҳнаткаш аҳоли манфаатларини ҳимоя қилади...” Мадаминбек ва бошқа таслим бўлган кўрбошиларнинг отрядлари қайта тузилиб, улардан алоҳида полк ташқил этилди ва 2-туркистон дивизияси таркибига киритилди. Кўрбошиларнинг ҳали тормор этилмаган отрядлари Фарғонанинг жанубидаги Олой тоғлари томонига чиқиб кетишга муваффақ бўлдилар. Энди қаршилик кўрсатишга умумий раҳбарлик қилиш ШерМухаммадбекнинг қўлига ўтди. Таслим бўлмаган кўрбошилар Мадаминбекнинг хатти-ҳаракатини қораладилар. Музокаралар олиб бориш учун Холхўжа ва ШерМухаммадбекларнинг ҳузурига келган Мадаминбек улар томонидан ўлдирилди. Илгари совет ҳокимияти томонига ўтган айрим кўрбошилар яна қайтиб ШерМухаммадбекка қўшилдилар.

Кураш яна шиддат билан давом этди. Иккала томон ҳам тезроқ душман устидан ғалаба қозонишга интилиб, фақат қурол кучига ишонар ва террордан ҳам қайтмас эдилар. Тинч аҳоли иккала томондан ҳам исканжага олинар эди.

ШерМухаммадбек озодлик урушига ташкилий тус беришга уринди. 1920 йил унинг раҳбарлигида Муваққат Туркистон ҳукумати тузилди. Озиқ-овқат тўплаш, отлар тайёрлаш учун махсус гуруҳлар ташқил этилди. Бу гуруҳнинг ҳатти-ҳаракатлари аҳолининг норозилигини уйғотди. Советлар ўз ташвиқотида бундан усталик билан фойдаландилар.

Бундан қатъий назар, ШерМухаммадбек умумий қўмондонлик қилган қаршилик кўрсатиш курашини давом эттиравердилар. Улар ҳатто Жалолобод шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Лекин яхши қуролланган ва ҳарбий таълим олган қизил армиянинг зарбалари остида қаршилик кўрсатиш яна Фарғона водийсининг тоғли жанубий қисмига чекинишга мажбур бўлдилар.

1922 йилнинг охирларида ШерМухаммадбек Афғонистонга ўтиб кетди. Шундан сўнг яна икки йил Фарғонанинг тоғли районларида қаршилик кўрсатишнинг ҳаракатлари давом этди. Бу ҳаракат бора-бора сусайиб, 1924 йилга келиб барҳам топди. 1920 йилдан бошлаб миллий-озодлик урушининг кўлами кенгайиб, у деярли бутун Марказий Осиё ҳудудларига ёйилди. Бу асосан Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг тугатилиши ва бу ерда ҳам мустабид совет тузумининг ўрнатилиши билан боғлиқ эди. Октябрь тўнтаришидан сўнг совет давлати номига бўлса-да бу давлатнинг мустақиллигини тан олди. Амалда эса совет ҳукумати уларнинг ички ишларига аралашар, Бухоро ва Хивага ҳам социалистик инқилобни экспортлашга интилар эди.

1918 йил март ойида Туркистон совет ҳукумати раҳбари Колесов бошчилигидаги қизил кўшинлар биринчи марта Бухорога ҳужум қилдилар. Уларнинг бу юриши муваффақиятсизликка учраган бўлсада, совет раҳбарияти ўз мақсадидан қайтмади. Марказий фронтларда ғалабаларга эришиб, совет давлатининг сиёсий аҳволи бирмунча мустаҳкамлангандан сўнг, улар яна бу икки хонликка қарши ҳарбий агрессия тайёрлашга киришдилар.

1919 йилнинг ноябрь ойида Скалов бошчилигидаги ҳарбий кўшилмалар “Ёш Хиваликлар” фирқасининг даъвати билан Хива хонлигига бостириб кирдилар. Икки ой давом этган жанглардан сўнг қизиллар хонлик ҳудудларини оккупация қилдилар. Сўнгги Хива хони Саид Абдулла тахтдан воз кечди. Хиванинг амалдаги диктатори Жунайдахон Қоракум томонга чекинди. 1920 йилнинг апрелида Хоразм Халқ совет республикасининг тузилганлиги эълон қилинди.

Ёш Хивалик П. Юсупов бошчилигида янги ҳукумат тузилди. 1920 йилнинг 28 августида Фрунзе қўмондонлиги остида қизил армиянинг қисмлари Бухоро амирлигига ҳужум бошладилар. Катта устунликка эга бўлган қизиллар уч кунлик жанглардан сўнг Эски Бухорони штурм билан қўлга олдилар. Амир Сайид Олимхон олдин Бойсун ва Дўшанбе томонларга қочди, сўнгра Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлди. 6 октябрда амирнинг ёзги қароргоҳи - Ситораи Моҳи Хоссада халқ вакилларининг Бутун Бухоро I қурултойи ўз ишини бошлади. Қурултой Бухорони халқ совет республикаси деб эълон қилди. Ёш бухоролик Ф.Хўжаев бошчилигида янги ҳукумат мамлакатни бошқара бошлади. Ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар ўз мамлакатларида буржуа-демократик тартибларни ўрнатишга интилар эдилар. Лекин Совет давлати раҳбарлари уларни ўз билганларича сиёсат юритиш имкониятидан махрум этдилар.

Совет давлати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам социалистик ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Бунга жавобан Бухоро ва Хоразмда ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланиб кетди. Қаршилик кўрсатиш Бухоро ва Хиванинг давлат мустақиллигини тиклаш, ўз ватанларида ўзлари хоҳлаган тарзда ҳаёт кечириш учун курашга отландилар. Хоразмда истиқлолчилик ҳаракатининг энг кучайган даври 1924 йилга тўғри келди.

Бу Хоразм республикасида жадаллик билан амалга оширила бошланган социалистик ислохотлар билан боғлиқ эди. Шу йилнинг январь ойида Хоразмдаги барча антисовет кучлар бирлашиб, бундай сиёсатга қарши исён кўтардилар. Питнак районида ҳаракат қилган Мадрахимбой отряди коммунистлар,

комсомоллар ва милиционерларни қамоққа олиб, совет муассасаларини остин-устун қилиб ташладилар.

Хазораспда Собирбой, Матчонбек ва Шокиржонпир бошчилигидаги дасталар Мадрахимбой отрядига келиб қўшилдилар. Боғот, Хонқа, Янгиариқ, Садувар ва бошқа жойларда ҳам кўзғолонлар бошланиб кетди. Барча даста отрядлар бирлашиб тахминан 10 минг кишилик оломон Хива томон юриш бошлади. Қорақумда яшириниб юрган Жунайдахон ҳам 8 мингга яқин йигитлари билан Хивага йўл олди. Қаршилик кўрсатиш Тошовуз, Манғит, Гурлан, Шовот, Ғозиободни эгаллаб, 10 январда Хивага яқинлашдилар. Шаҳар яқинида икки ҳафта давомида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. 25 январда Туркистондан ёрдамга келган қизил аскарлар қарши ҳужумга ўтиб, қаршилик кўрсатишни Хивадан чекинишга мажбур этдилар. Жунайдахон бу гал ҳам Қорақумга чекинди. У 1929 йилгача Шўроларга қарши курашди, сўнгра Эрон орқали Афғонистонга ўтиб кетди. Бухорода қаршилик кўрсатиш ҳаракати Шўролар ҳокимияти ўрнатилиши биланоқ вужудга келди. Бу курашга даставвал амир Сайид Олимхон, амир хорижга кетиб қолгач, Анварпошшо ва Иброҳимбеклар бошчилик қилдилар.

1922 йилнинг 1 январида Иброҳимбек Дўшанбени олди. Тахминан 10 минг кишидан иборат қаршилик кўрсатиш бутун Шарқий Бухорони ўз назораси остига олдилар. Қаршилик кўрсатиш Бухоро атрофларида ҳам фаол ҳаракатлар бошлаб юбордилар. Нуротани ўзига таянч базаси қилиб олган Мулла Абуқаххор бирин-кетин шаҳар ва қишлоқларни Шўролардан тозалай бошлади. Қисқа муддатга улар Бухорони ҳам олишга муваффақ бўлдилар. Лекин Бухоро шўро ҳукуматига ёрдамга келган қизил армиянинг мунтазам қисмлари уларни шаҳарни ташлаб кетишга мажбур этдилар. 1922 йил 28 майда Нурота яқинида Мулла Абдуқаххор дасталари тор-мор этилди. Анварпошшо бошчилигида қўшинлар эса 1922 йилнинг июл-август ойларида аввал Бойсун районида, кейинчалик Ховалинг-Балжувон районида мағлубиятга учради. Анварпошшонинг ўзи жангда ҳалок бўлди. Аммо Иброҳимбек, Салимпашшо, Давлатмандбий бошчилигидаги қаршилик кўрсатиш бундан кейин ҳам курашни давом эттирдилар.

1925 йилнинг сентябрида оғир тенгсиз жангларда мағлубиятга учраган Иброҳимбек ўзининг 5 минг нафар аскари билан Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлди. Афғонистонда юзага келган оғир сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Иброҳимбек ва унинг йигитлари ватанга қайтиш, ҳукуматга таслим бўлиш ва тинч меҳнат билан шуғулланишга қарор қилдилар. Шу ниятда 1929 йилда Тожикистонга қайтиб келган Иброҳимбекнинг ўзи асирга олиниб, 1932 йилда Тошкентда отиб ташланди.

Назорат саволлари.

1. Февраль инқилобидан кейин Туркистондаги вазият?
2. «Шўрои исломия» ва «Шўрои уламо» жамиятларининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қандай сабаблар Октябрь тўнтаришига олиб келди?
4. Совет ҳокимиятининг Туркистондаги шовинистик сиёсатини асослаб беринг.
5. Туркистон мухториятининг нима мақсадда ташқил этилди?

6. Туркистон мухториятининг енгилиш сабаблари нималардан иборат?
7. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати (1918-1924 йиллар)ни келтириб чиқарган сабабларини кўрсатинг.
8. Нима сабабдан Туркистондан миллий-озодлик уруши мағлубият билан якунланди?

13-мавзу

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК МОҲИЯТИ

Режа

1. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий тадбирлари ва уларнинг мустамлакачилик моҳияти.
2. Индустриалаштириш, колхозлаштириш ва маданий инқилоб сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги салбий оқибатлари.

Таянч иборалари

Индустриалаштириш, қишлоқ хўжалиги жамоатлаштириш, индустриал-аграр республика, кооператив, зарбдор қурилишлар, қулоқлар, колхоз, МТС, пахта яккаҳокимлиги, “маданий инқилоб”, саводсизликни тугатиш, “Ҳужум” компанияси.

- Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараедиёт йўлида. Т. 6. -Т.: Ўзбекистан, 1998.
2. Каримов Исом. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
 3. Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони (ПФ - 2837- сонли), 2001 йил 1 май.
 4. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиллар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, 1999 йил 22 июль.
 5. Репрессия: 1937 - 1938 гг. Документи и материали. Вип.,1. - Т.: Шарқ, 2005.
 6. Репрессия: 1937 - 1938 гг. Документи и материали. Вип.,4. / Сост: Р.Т. Шамсўтдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. -Т.: Шарқ, 2008.
 7. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документи и материали. Сост: Р.Т. Шамсўтдинов, Э.Ю. Юсупов, С. Хошимов, Э.П. Дусматов. -Андижан: 2007.
 8. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссилька, 1929-1955 гг.: Документы и материали. Т.І-ІІІ / Сост: Р.Т. Шамсўтдинов, Б.М. Расулов; Под. ред. Д.А. Алимовой; -Т.: Шарқ, 2006.
 9. Усмонов К., Содиқов М. Ўзбекистан тарихи (1917 - 1991 йиллар). -Т.: Шарқ, 2001.362
 10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистан совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 312-325.
 11. Ўзбекистан тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -Б. 464-471; 516-528.
 12. Шамсўтдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар / Маъсул муҳаррир: И. Каримов. -Т.: Шарқ, 2001.
 13. Шамсўтдинов Р. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талкилар. -Андижон: 2007.
 14. Шамсўтдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябрь) / Маъсул муҳаррир Н. Каримов. -Т.: Шарқ, 2007.
 15. Шамсўтдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. -Т.: Шарқ, 2009.

16. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. -T.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. -B. 337-343.
17. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (Uchinchi kitob); R. Shamsutdinov, Sh. Karimov - T.: Sharq, 2010. -B.310-335.
18. <http://www.uzmeros.uz/meros.php>

Собиқ Иттифокда маъмурий - буйруқбозлик тизими ва тоталитар тузумнинг қарор топиши. Миллий республикалар ҳуқуқларининг чекланиши. Маълумки, 1918 йилнинг ўрталаридан совет ҳукумати бутун Россияда бўлгани сингари Туркистон республикасида ҳам ҳарбий чора -тадбирлар билан бир қаторда фавқуллоҳда иқтисодий чора - тадбирларни ҳам белгилади. Яъни иқтисодий соҳада «озик - овқат жаримаси (развёрсткаси)» жорий қилинди. Бу тарихда «ҳарбий коммунизм» сиёсати деб номланди. Ушбу сиёсатнинг амалга оширилиши собиқ Иттифокда маъмурий - буйруқбозлик тизимининг дастлабки қурилиши эди.

Бу сиёсат ўз моҳиятига кўра халққа қарши қаратилган бўлиб, унга кўра товар - пул муносабатларига барҳам бериш, большевиклар ҳукумати қўлида барча ресурсларни марказлаштириш асосида бутун Россия каби Туркистондаги деҳқонлар қўлидаги «ортиқча» ғалла бойликларини давлат ихтиёрига тортиб олиш, йирик саноат билан бир қаторда ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумлаштириш, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёллар учун умумий меҳнат мажбуриятини жорий этиш сингари чора-тадбирлар белгиланган. Аммо бу сиёсат нафакат ўзининг самарасизлигини кўрсатди, балки оғир оқибатларга ҳам олиб келди. Шунинг учун РКП(б) нинг X съездида (1921 йил март) **янги иқтисодий сиёсатга**, бошқача айтганда, пул - товар муносабатларига ўтишга мажбур бўлинди. Озик - овқат жаримаси озик - овқат солиги билан алмаштирилди. Тез кунда янги иқтисодий сиёсат ўзининг натижаларини бера бошлади. Иттифок микёсида, хусусан Ўзбекистонда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ушиб борди. Совет ҳукумати бу сиёсатни узоқ чўзмади. 1920 йилларнинг охириларидан янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилди ва коммунистик партия ўз сиёсатини тубдан ўзгартирди. Маъмурий - бошқарув тизимининг ўзагини коммунистик партия, аниқроғи, унинг унча катта бўлмаган сиёсий бюроси ва бошқарув аппарати ташкил қилди. Бошқарув аппарати эса бир шахснинг, яъни партия бош қотибининг иродасига бўйсундирилди. Маъмурий буйруқбозлик тизими хос бўлган яна бир хусусият - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг (Сталин даврида улар кўпроқ жазоловчи, қатағон қилувчи орган сифатида намоён бўлди) хаттоки партия ташкилотларидан ҳам холи қилиниб, бевосита партия бош қотибига бўйсундирилиб қуйилганлигидир. Маъмурий - буйруқбозлик тизими ўз фаолияти давомида факат марказнинг манфаатларини инобатга олганлиги учун иттифокдош республикаларнинг ҳуқуқларини поймол қилди, уларнинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашмади. Натижада республикаларнинг ривож-ланишида номутаносиблик ва бир томонламалик авж олди.

Хуллас, 1930 - 1940 йилларда шаклланган маъмурий - буйруқбозлик тизими айрим жўзъий ўзгаришларни назарга олмаганда, то СССР тарқалиб кетгунга қадар

сақланиб қолди. Шу асосда иттифокда маъмурий -буйруқбозлик тизими қарор топа бошлади ва тоталитар тузумнинг мустаҳкамланишига замин тайёрлади. Айни чоғда тоталитар тузум тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у давлат бошқарув шаклларида бири (тоталитар давлат) бўлиб, **тоталитаризм** (лот. *totalis* - яхлит, тўлик) таянч атамасидан келиб чиқади. Тоталитар бошқарув жорий қилинган давлатда жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи, тўла (тотал) назорати урнатилади, Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар тугатилади, бир шахе, ижтимоий гуруҳнинг (масалан, ҳарбийларнинг ёки бир партиянинг) яккахокимлигига сўзеиз буйсунилади, мухолифат ва ўзгача фикрловчилар эса қатағон қилинади.

XX аернинг 20 - йиллари иккинчи яримларига келиб собиқ Иттифокнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида, айникса, ҳокимият бошқарув - идора тизимида кескин ўзгаришлар юз бериб борди. 1925 йил декабрдан Бутуниттифок коммунистик (большевиклар) партияси - ВКП(б) деб номланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси - КПСС (1952 йилдан октябрдан) бу пайтга келиб, жамиятнинг барча жабҳаларида ўзининг ҳукумронлигини урнатишга киришди. Бунда И.В. Сталин (1879 - 1953)нинг хизматлари катта бўлди.

И.В. Сталин 1922 йилдан РКП(б) Марказий Кўмитасининг (МК) Бош котиби лавозимини эгаллаб, аста - секинлик билан ўзининг якка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. Шу мақсадга эришиш йўлида у ўз атрофига бир гуруҳ, раҳбар кадрларни тўплаб, уларни ишга солиб, партиянинг Кўплаб тажрибали, инқилобий курашлар жараёнида ғоявий ва сиёсий жиҳатдан катта тажрибага эга бўлган нуфузли арбобларини обрусизлантиришга интилди. Ўз даврида компартия ва совет ҳокимияти раҳбариятининг ўзак - негизини ташкил этган Л.Д. Троцкий, Н.И. Бухарин, Л.Б. Каменев, Г.Е. Зиновьев, А.И. Рыков қабила шундай мухолифатчи гуруҳ, вакиллари эди.

20 - йилларда атайин авж олдирилиб, одатий тусга кирган «партиявий тозалашлар» баҳонасида мамлакат ҳаётининг у ёки бу муҳим масаласида соғлам, холис фикр билдирган кадрларни эгаллаб турган юкори вазифаларидан четлаттириб борилди. Россияда юз бераётган барча ўзгаришлар, янгиланишлар И.В. Сталин номига нисбат берилди. Ҳукумрон компартия мафкуриси бу номни зур бериб кўкларга кўтариб макташ, мадх, қилишга йуналтирилди. 20 - йиллар охирларига келиб И.В. Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган «Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради», деган сохта ғоя бутун мамлакат учун халокатли оқибатларга олиб келди. Бу «ғоя»ни иттифокдош республика партия ташкилотлари ўзларига дастуриламал қилиб олишга мажбур эдилар, акс холда, синфий душмanning борлигини инкор қилганларнинг ўзлари социализмнинг душманига айланиб қрлишлари аниқ эди. Сталин ва унинг яқинлари мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур этиб бордилар.

20 - йилларнинг охири - 30 - йилларнинг бошиларида И.В. Сталин гуруҳи партиянинг Троцкий ва Зиновьев, Бухарин ва Риков сингари бошқа раҳбарлари устидан кескин курашларда галаба қрзониши оқибатида собиқ; Иттифокда бир партиялик тизими мустаҳкамланди. Бунинг натижасида большевиклардан

тузилган комунистлар партияси И.В. Сталин бошчилигида давлат тоталитар режимининг таянчи бўлиб қолди.

Шу тарифа, собиқ Иттифоқда 1917 йилдан бошлаб шаклланана бошлаган тоталитар сиёсий режим 20 - йилларнинг охири 30 - йилларнинг бошларида тўлиқ қарор топди.

1922 йил 30 декабрда ташқил топган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) - унитар давлат бўлиб, унда расмий Федерация субъектлари суверен ҳуқуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум бўлиб, унинг таркибидан чиқиб кета олмасдилар. Ўзбекистон суверенитети тан олинсада, аммо у ҳам фақат номигагина СССРнинг таркибидаги суверен республика ҳисобланди. Аслида эса иттифоқдош республикалар сингари мамлакатимиз ҳам собиқ иттифоқга ҳар томонлама қарам эди. Унинг маҳаллий раҳбарияти республиканинг иқтисодий, ҳўжалик, маданий - маънавий ҳаётига оид бирор бир масала, муаммони мустақил ҳал этишга ҳақли, ҳуқуқли эмас эди.

Бунинг учун аввало Марказнинг розилигини олиш талаб этиларди. Ўзбекистон мустақиллигининг нечоғлиқ расмий, юзаки мазмунда бўлганлиги факти унинг юксак қонуний ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган эди. Жумладан, 1927 йил 22 - 31 март кунлар бўлиб ўтган ЎзССР Советларининг II съезди 30 мартда Конституция лойиҳасини бир овоздан тасдиқлади ва Марказий Ижроия Қумитети Президиумига уни ўзил - кесил таҳрир қилиб, эълон қилишни топширди.

1927 йил 11 июлда МИК, Президиуми Конституцияни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Номигагина амалда бўлган бу Конституцияга бир неча марта ўзгартиришлар киритилди. 1937 йил ноябрда қабул қилинган ЎзССРнинг Янги Конституцияси ҳам моҳият эътибори билан асосан 1936 йил 5 декабрдан қучга кирган СССР Конституциясининг айнан нусхаси эди. Унда республиканинг мустақиллиги, фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари қанчалик мадҳ этилмасин, бироқ улар амалиётда нечоғлиқ сохта, қуруқ сафсаталар бўлиб чиққанлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати.

Ўзбекистон тарихининг аянчли, ҳасратли, фожеали ва армонли саҳифаларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларидир. Туркистонда советлар ҳокимиятининг урнатилишидан бошлаб то собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетгунига қадар советларнинг репрессия - қатағон сиёсати амалга оширилиб келинган.

Репрессия атамасига тўхталадиган бўлсак, бу сўз латинча *repressio* -босим, тазйик маъносини англатади. Бу сўзнинг Ўзбекча маъноси қатағон тушунчасига тўғри келади. Репрессия, қатағон - бу партия, давлат ва унинг қуч ишлатиш органлари қўллайдиган жазо чорасидир. Қатағон мустабид тоталитар, мустамлақачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш, оммавий тарзда зулм ўтказиш тушунчаларини ўзида мужассам этади. Қатағон оммавий жазолаш, кийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, қўрқитиш, босим, тазйик ўтказиш қуролидир.

Советлар ҳукумронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлилари, атоқли давлат арбоблари ва етук миллий кадрларини қатағон қилиш мустамлакачилик тартибларини мустаҳкам сақлаб туришнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган йўлларида бири сифатида қатағон сиёсатини қўлади. Бу сиёсат айрим шахсларгагина эмас, балки хурфикрлиликка, миллийликка, инсон фаровонлигига, крлаверса, демократияга, жамиятдаги бирқанча тоифа ва синфларга қарши қаратилганлигини тан олиш керак бўлади. Қатағон қилиш миллий кадрларни йўқ қилишга, халқларнинг миллий онги ва диний кадриятлари, миллий ўзлигини англаб етиши ва миллий гурурини усишига йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсати эди. Совет ҳокимияти қатағонликнинг энг даҳшатли йўлларида ихтиро қилди ва изга солди. Россия империяси даврида Кўпинча айрим «хавфли шахслар» тазйик остига олинган, сургун қилинган бўлса, советлар замонида бутун - бутун халқлар ўз юртларидан бадарға қилинди.

20 - йилларнинг иккичи ярмида Ўзбекистонда мавжуд тузумга муҳолифатда тўрганлар ва унга қаршилик билдирганлар таъқиб остига олинди. Натижада оммавий қатағонлар ва бедодликнинг дастлабки кучли тўлкини Ўзбекистон буйлаб юз берди. Айни шу пайтда **«18 лар гуруи»**, **«иногомоечилик»**, **«қосимоечилик»**, **«бадриддиноечилик»** каби сиёсий ишлар тўқиб чиқарилган эди. Совет режими 30 - йиллардан бошлаб ўз халқига нисбатан оммавий террор қўлади.

«18 лар гуруҳ<и>». 1925 йил 19 ноябрда Самарқандда чақирилган Ўзбекистон КП (б) МК,нинг пленуми йиғилиши бир кун эмас, тўрт кун давом этади. Бунинг асосий сабаби, республикадаги юқори масъулиятли вазифаларни эгаллаб тўрган 18 шахснинг ўз лавозимларидан кетиши ҳақидаги аризаси бўлди. Улар ўз истеъфолари сабабини хусусий мулкни йўқотиш ҳисобига ўтказилган ер - сув ислоҳоти усулларида норозилик сифатида изоҳлашади. Шунингдек, бу гуруҳни эски ходимларга нотўғри муносабатда бўлинаётгани, раҳбарларни танлаш фақат синфий нуқтаи назардан амалга оширилаётгани қониктирмайди.

Улар ҳукмрон Марказнинг улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдлигига қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини ҳимоя қилганлар. **«18 лар гуруҳ<и>»** га Мухтор Саиджонов (Зарафшон вилоят ижроия қўмитаси котиби), Раҳмат Рафиқов (Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари), Иномжон Хидиралиев (Ўзбекистон ер - сув ишлари халқ комиссари), М. Ўринхўжаев, У. Ашуров, Р. Раҳимбобоев, Эшонов, Музаффаров, Махсумов ва бошқа Ўзбекистон ССР нинг 18 та таниқли миллий раҳбар ходимлари кирган. Уларга «ер - сув ислоҳотига қарши чиққан, бой - кулоқ ва ер эгаларининг манфаатини ҳимоя қилиб чиққанлар, маҳаллийчилик ва миллатчилик ғояларини илгари сурган» деган сохта айбнома қўйилди. Шу боис, расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ, кескин қораланади, эгаллаб тўрган лавозимларидан четлаштирилади.

Ер - сув ислоҳотини ўтказиш даврида (1925 - 1929) «18 лар гуруҳи» ушбу жараён ва МК, га қарши фаолият юритишда айбланишган бўлса, орадан икки йил утгач эса, Ўрта Осиё бюросининг пленумида (1927 йил октябрь) уларга бой - кулоқларнинг манфаатини ҳимоя қилган, ер - сув ислоҳоти ҳамда аёлларнинг

озодликка чиқишига қарши бўлган, савдогар ва хунармандлардан олинадиган солиқларни камайтириш ва давлат аппаратини миллийлаштириш тарафдори бўлган деган, сохта айбномалар қуйилади.

«Иноғомовчилик» - Совет давлатининг жазо органлари томонидан атайлаб тўқиб чиқарилган ва 1926 - 1931 йилларда бир қатор миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларни айбсиз қатағон қилинишига сабаб бўлган большевиклар режимининг бўхтонидир. «Иноғомовчилик»нинг сабабчиси Ўз КП(б) МК, Ижроия бюроси аъзолигига номзод, Ўз КП(б) МК, Матбуот бўлими мудир ва ЎзССР Маориф халқ комиссари Иноғомов Рахим Охунжонович (1902 йилда туғилган) эди.

Р. Иноғомов 1926 йил охирида «Ўзбекистан зиёлилари» рисоласини матбуотда эълон қилади. Унда «Октябрдаги ўзгариш Ўзбек халқи учун кутилмаган воқеа бўлди ва унга Ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас эди». Октябргача бўлган даврда «...рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни зиёлилар ўйнаган», деган фикрни илгари суради. Шунингдек, Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон компартиясини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, Марказнинг Средазбюро, СредазЭКОСО каби «назоратчи» органларини зўравонликда айблайди. Республиканинг бир қатор масъул ходимларидан Н. Мавлонбеков, И. Исамуҳаммедов, М. Алиев, Бобоназаров сингари ҳаммаслақлар Иноғомов қарашларини қўллаб - қувватлаб чиққандилар. Бундай мухолифатчи чиқишлар ҳукмрон партия мутасаддиларининг қаҳрига учрамасдан колмасди, албатта. Шу боис Ўзбекистон Компартиясининг III съезди (1927 йил ноябрь) Р.Иноғомов «ғоявий жиҳатдан» тор - мор қилинди деб ҳисоблаб, уни Қашқадарё округининг энг чекка қишлоқига ишлаш учун жўнатади. 1930 йил 30 майда «Правда Востока» газетасида Иноғомовнинг «очиқ хати» уюштирилиб, у тавба - тазарру қилдирилади.

Р. Иноғомов 1937 йил 25 августда қамоққа олинди ва совет режими томонидан 1938 йил 5 октябрда Тошкентда отиб ташланди.

«Қосимовчилик» - 1929 - 1930 йилларда советлар режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатағон қилиш мақсадида атайлаб уюштирилган навбатдаги уйдирма эди. 1929 йилнинг иккинчи ярмида ЎзССР Олий судининг раиси Қосимов Саъдулла Рашидович (1901 - 1930) камалади. Большевиклар ҳукуматининг жазо органлари томонидан «тўқиб чиқарилган» айблов асосида бу ишга атайлаб сиёсий тус берилади. С. Қосимов билан бирга тарих ўқитувчиси Олимов, суд идораси ходимлари Мусабоев ва Спиридонов ҳам камалади.

Самарқанд (1930 йил март - июнь)да бўлиб ўтган суд жараёнида (суд раиси М.И. Васильев - Южин, қораловчи Р.П. Катанян) С. Қосимов ва унинг тарафдорлари (7 киши) «буржуа миллатчилари» сифатида, «босмачилар»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. Уларга «Қосимовчилик» тамғаси босилган. Большевиклар режимининг «одил суди» сохта айблов ва сохта гувоҳлар берган кўрсатмага асосланиб С.Қосимов, Шарипов, Олимов, Мусабоев ва Спиридоновларни отишга, қолганларини эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Орадан Кўп ўтмай навбатдаги иш — «**Бадриддиновчилик**» ўйлаб топилди. 1932 йил 5 май - 15 июнда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси Шамсутдин Бадриддинов ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёнини ўтказди. Ш. Бадриддинов 1929 йилда Фарғона округи прокурори, кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори лавозимларида ишлаган бўлиб, у ва тарафдорлари 1931 йилда қамоққа олинган эди. Ш. Бадриддиновга «Миллий Иттифоқ» ташкилоти аъзолари ва «босмачилар» билан алоқа боғлаган, Мунаввар Қори ва С. Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган, деган айблар қўйилди. Бу суд жараёнида ҳам прокурор Р. Катанян эди. Ш. Бадриддинов аввал отишга ҳукм қилиниб, сўнгра ўлим ҳукми 10 йил қамоқ муддати билан алмаштирилади. Унинг М. Хўжаев, А. Раҳмонов, М. Аҳмаджонов, М. Садиҳонов, И. Мусахоновлардан иборат 5 та тарафдори ҳам узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Совет режими суд органларидаги миллий раҳбар ходимларни қатағон қилиш билан биргаликда жазо қиличини маориф жаҳҳасидаги зиёлиларга ҳам қарши кўтарган эди. 1929 йил 5 ноябрда Тошкентда атоқли жаҳидчи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги 38 киши қамоққа олинади. Орадан Кўп ўтмай қамоққа олинганларнинг микдори 87 кишига етди. Уларга «Миллий Иттиҳор» ва «Миллий Истиқлол» ташкилотларининг аъзоси деган айб қўйилди. Тергов жараёни кейинчалик Москвага кўчирилди. Бу ҳолат совет режимини Ўзбек зиёлиларининг «миллатчилиги»ни фош қилишга жон - жаҳди билан киришганлигидан далолат беради.

1931 йил апрелда Москвада бўлиб ўтган суд мажлисида Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқа 15 миллат фидойиси - «Миллий Истиқлол» аъзолари отишга, қолган 72 киши эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лекин қамоқдан деярли ҳеч ким қайтиб келмаган. 1930 йил август ойида Ўзбекистон халқ маориф комиссарлигидаги бир гуруҳ, раҳбар ходимлар хибсга олинади. Улар ичида маориф комиссари Маннон Рамзий (Абдуллаев, 1896 - 1938), унинг ўринбосари Боту - Махмуд Ходиев (1904 - 1938), шунингдек, Олтой - Боис Қориев (1903 - 1976), Носир Саидий ва бошқалар бор эди. Улар маориф тизимини «миллатчилик оғуси» билан заҳарлаганликда айбланиб, бу ҳолат «маориф фронтида қрсимовчиликнинг намоён бўлиши» деб қрраланди. Боту ва унинг тарафдорлари 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

1930 йили Давлат банки аппаратида «тозалаш» ўтказилиб, кўплаб раҳбар ходимлар қамалди. Бошқа суд ишлари ҳам ўтказилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги етук миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларни тугатишга, халқимизни тоталитар режим асорати остида тутиб туришга қаратилган эди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз қомига тортмади, истибдоднинг оловида барча баравар ёнди. 20 - йиллар охири - 30 - йиллар бошларида деҳқонларга нисбатан ҳам мисли кўрилмаган қатағонлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ; деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги қатағон қилинган эди.

Қатагонлик сиёсатининг яна бир мудҳиш қуринишларидан бири динга, рухонийларга ва, умуман, ҳар қандай инсоннинг диний эътиқодига қаратилган

тажовўз бўлди. Коммунистик партиянинг ислом динига муносабати Ўзбекистон Компартиясининг 1927 йилда бўлиб ўтган VI пленуми қабул қилган «Мусулмон руҳонийлари ва мактаб тўғрисида»ги қарорида қайд қилинган. Унинг моҳиятини қуйидаги кўрсатмалар ифодалайди:

- > ислом ўзга динлар каби маданият, пролетариат ғояларини ривожлантириш ва социализм кўрилишини тараққиётга эриштириш йўлидаги тўсиқдир;
- > руҳонийларнинг тинч ислоҳатчи ёки тараққийчи деб аталмиш қисми ўзга гуруҳлар каби партия ва совет ҳокимиятининг асосий тадбирларини амалга оширишга қаршилик қиладиган антисовет кучдир;
- > руҳонийлар ислом динини ва унинг ташкилотларини йўқсиллар диктатурасига қарши қуролга айлантириш, уларни мавжуд шароитга мослаштириш учун барча чораларни қуряптилар;
- > коммунизм ва дин бир - бирига бутунлай қарама - қарши эканлигини ва уларни ҳеч қачон бирлаштириш мумкин эмаслигини коммунистлар, айниқса, фаоллар тушуниб етишлари керак.

Ушбу кўрсатма жойлардаги партия ва совет ташкилотларининг динни тугатиш борасида аниқ чора - тадбирларни амалга оширишлари учун асос бўлди. 30 - йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зуравонлик сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилади. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қуйилди, айримлари бузиб ташланди. Баъзи маълумотларга қараганда, 1917 йилгача Самарқандда -150, Тошкентда - 387 та масжид ва Мадраса бўлган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарига келиб улар деярли қолмади.

Ўзбекистонда «Катта террор» ёки «Қулоқлар операцияси» ва унинг оқибатлари. Ижтимоий адолатсизликнинг бузилиши 1937 - 1938 йилларда энг юқори чўққига чиқди. Бу даврга келиб собиқ Иттифоқ республикалари сингари Ўзбекистон ҳам сиёсий қатағоннинг энг юқори босқичи - мудҳиш «Катта террор» фожеаларини ўз бошидан кечирди. Республика жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган хибсга олиш тўлкини остида қолди. Олимлар, муҳандислар, шоиру - ёзувчилар, маорифчилар, санъаткорлар, журналистлар, хаттоки ишчи ва деҳқонлар ҳам таъқиб остига олинди ва қатағон қилинди. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг ички турмаси ва бошқа қамоқхоналарида маҳбуслар жисмоний жазоларга маҳкум қилиндилар. Маҳбусларнинг кўплари бу ҳолатдан чиқиш, кутулишнинг ягона йўли ўз жонига қасд қилиш деб билдилар. Айримлари эса қилмаган жиноятларини буйнига олишга мажбур бўлганлар.

Маълумки, 1937 йилнинг май - июнь, айниқса сўнгги бир ярим ойи даврида, «ҳарбий - фашистик исёнчилар» отилганидан сўнг бўлажак оммавий қатағон кампаниясини интенсив режалаштириш амалга оширилади. Июль ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи

қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими — Сиёсий бюронинг 2 июлдаги «Советларга қарши унсурлар тўғрисида»ги қарори бўлиб у «катта террор» даврининг энг кўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди. Ана шу қарор асосида 1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД)нинг «Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида»ги мутлако махфий 00447-сонли тезкор буйруғига («Кулоқлар тўғрисидаги буйруқ» деб аталган) СССР Ички ишлар Халқ Комиссари, «темир нарком» номини олган Н.И. Ежов қўл кўяди-Мазкур буйруғда антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан кочиб келган собиқ кулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб колгани қайд этилган.

Буйруқда операцияни ўтказиш буйича 7 пунктдан иборат йуриқнома ва тартиблари ҳам белгилаб берилган. Барча республикалар, ужалар ва вилоятларда собиқ кулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш буйича операция ўтказиш 1937 йил 5 августдан бошлаш ва турт ой муддатда якунлаш кўрсатиб ўтилган. Бу операция Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди. Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар халқ комиссарликларининг СССР НКВДга огзаки берган маълумотлари буйича қатағон (репрессия) қилинадиганлар микдори қуйидагича белгилаб берилган:

Шу уринда республикаларда «Катта террор»нинг амалга оширишда «учлик» фаолиятига тўхталадиган бўлсак, совет жамиятида сиёсий қатағонлар энг авжига чикқан даврларда «номақбул шахсларни» «антисовет» ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш жараёнини тезлаштириш мақсадида жаҳон юридик амалиётида умуман учрамаган янги усул жорий қилинди, яъни «учлик» ташкил қилинди. «Учлик»нинг террорни амалга оширишда Москвадан жўнатилган Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Д.З. Апресян, унинг уринбосари Л.И. Леонов - Немировский, Тожикистон ички ишлар халқ комиссари Н.А. Загвоздин, чекистлар Тригулов, Акжигитов машъум роль ўйнади.

Совет режими ўзининг бу гумашталарини ҳам отиб ташлади. Уларнинг қанчалик жадаллик билан иш олиб борганлигини қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Ушбу органда котиблик вазифасини бажарган шахснинг кейинчалик тан олишича, «учлик» ҳар соатда 100 га яқин ишни кўрган. «Учлик» қамоқдаги махбуснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига караб 2 тоифа буйича қатағон қилган. 1 - тоифага олий жазо - отиб улдириш ва 2 - тоифа ёзишма олиб бориш чекланган холда, 10 йил муддатга озодликдан махрум этиш бўлган. Қарор чикқанидан сўнг, ҳукм дархол ижро этилган. «Учлик»да аксарият вақтда Ички ишлар халқ комиссарлиги вакилининг фикри катта аҳамиятга эга бўлган. Ана шу органнинг ташаббуси билан олимларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистонда 1937 - 1939 йилларнинг ўзида 41 минг нафар шахс камалган, улардан 37 минги жазога ҳукм қилинган, 6 минг 920 киши отиб ташланган.

«Катта террор» даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистан бўйича фақат собиқ «қулоқлар»дан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1 - тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2 - тоифа бўйича 8 - 10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат, тўзатув лагерига ҳукм қилинган. 1 - тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2 - тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.

Қатағонлик сиёсатидан энг катта захмат чекканлар қаторига зиёлиларни киритиш лозим. 1936 - 1937 йилларда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан илм - фан, адабиёт, журналистика, маориф ва бошқа соҳанинг зиёлилари хибегга олиниб қатағон қилинганлар. Хусусан, бугун ҳаммага маълум бўлган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Абдулла Қодирий (Жўлқинбой) 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

1937 йилдан «антисовет», «халқ душманлари»ни қидириб топиш ва жазолаш кенг тус олди. Хусусан, давлат сиёсий бошқарув ташкилотининг (Организация Государственного политического управления - ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамға» олган шахсларни қидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф. Хўжаев (1938.15.3), А. Икромов (1938.13.3), Д. Манжара, А. Каримов каби партия ва давлат раҳбарлари хибсга олиндилар ва отиб ташландилар.

Назорат саволлари:

-
1. Собиқ Иттифокда маъмурий - буйруқбозлик тизимининг кучайиши.
 2. Ўзбекистонда тоталитар тузумнинг қарор топиши.
 3. Миллий республикалар ҳуқуқларининг чекланиши.
 4. Тоталитар режимнинг мазмун - моҳияти, белгилари ҳақида нималарни биласиз?
 5. Ўзбекистонда ижтимоий адолатсизликнинг бузилиши нималардан иборат эди?
 6. Ўзбекистонда «Катта террор» ёки «Қулоқлар операцияси» ҳақида нималар биласиз?
 7. Ўзбекистонда ўтказилган қатағонлар ва унинг оқибатлари ҳақида гапиринг?.
 8. 1937 йилдан «антисовет», «халқ душманлари»ни қидириб топиш ва жазолаш кенг тус олганлиги ҳақида нималарни биласиз?
-

14–МАВЗУ: ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистоннинг ўз имкониятларини уруш эҳтиёжларига сафарбар этиши.
2. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги.
3. Фан ва маданият.
4. Ўзбекистон жангчиларининг жанг майдонларидаги жасоратлари.

Таянч иборалар:

Иккинчи жаҳон уруши, ҳужум, фашизм, ҳарбий ҳолат, оғир синов, блокада, Давлат Мудофаа Қўмитаси, озиқ-овқат карточка, эвакуация, халқ хўжалиги, ресурс, галаба.

Фойдаланилган адабиётлар:

-
1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
 2. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир -Т.: Ўқитувчи, 2012 й.
 3. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Т., 2006.
 4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 қисм. -Т.: Шарқ, 2000.
 5. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). -Т.: Шарқ, 2000.
 6. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. -Т.: Шарқ, 2000.
-

Инсоният жуда кўп урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган, XX аср фожияси бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябр - 1945 йил сентябр) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган ҳудудни, 61 та мамлакатни ўз ичига қамраб олган.

1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси қўшинларининг Полшага бостириб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июн Германия ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, Совет Иттифоқиға ҳужум бошлади. Бу давлат фуқаролари бўлган халқлар учун оғир синовлардан иборат уруш бошланди. Ўша куни мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги ҳақида фармон эълон қилинди. 23 июнда Тошкентда кўп минг кишилиқ митинг бўлиб ўтди.

Уруш бутун мамлакат хўжалиги, унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. 1941 йил 30 июнда Давлат мудофаа Қўмитаси (ДМК)нинг тузилиши билан мамлакатдаги бутун сиёсий, ҳарбий ва хўжалиқ ҳокимияти унинг қўлиға ўтди. Ушбу қўмитанинг раиси И.В.Сталин 19 июлдан СССР мудофаа халқ комиссари, 8 августда СССР қуролли кучлари Олий Бош қўмондони лавозимини эгаллади. У айна пайтда СССР ХКС раиси ва ВКП (б) МК Бош котиби бўлган. Урушнинг дастлабки кунларида қабул қилинган махсус қарорлар кўрсатмаларда

мамлакатнинг катта хавф остида қолганлиги, уни ҳимоя қилиш учун зудлик билан барча иқтисодий-маънавий кучларни мудофаа манфаатларига бўйсиндириш, халқ ҳўжалигини тўлиқ ҳарбий изга солиш лозимлиги қайд этилди. Узоқ давом этган уруш қийинчиликлари Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳам оғир аҳволга солди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида республикага раҳбарлик қилган Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби Усмон Юсупов (1937-1950 йй.) Ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда бош-қош бўлди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий кўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош кўмондонлик қароргоҳ резервига 86 девизия ва бригада жўнатилди.

Уруш йилларида бир ярим миллиондан ортиқ Ўзбекистонлик фуқаро фашизмга қарши жангларда қатнашди. 1940 йилда республика аҳолиси 6,5 миллион кишидан иборат эди.

Умумий аҳволнинг кескин ёмонлашуви озиқ-овқат борасида қийинчилик туғдирди. Шаҳарларда озиқ-овқат карточкалари жорий қилинди. Уруш йилларида аҳолининг янги ижтимоий гуруҳлари - ҳарбий хизматчилар оилалари, кўчиб келган кишилар, Уруш ногиронлари, етим болалар пайдо бўлди. Уруш йилларида республикага бир миллиондан ортиқ киши, шу жумладан 200 минг етим бола эвакуация қилинди. Ўзбекистон уларга бошпана берди.

Ўзбекистонликлар кўчириб келтирилган болаларга меҳрибонлик ва ҳамхўрлик кўрсатдилар. 15 нафар етим болаларни фарзандликка олган Шомахмудовлар оиласининг олийжаноблиги ҳаммамизга маълум. Уруш ногирони каттакўрғонлик ҳамид Самадов оиласи 13 болани ўз паноҳига олди, Самарқандлик колхозчи Фотима Қосимова 10 болани қабул қилди. Уруш йилларида 4,5 минг нафардан зиёдроқ болалар Ўзбекистонлик оилалар томонидан қабул қилиниб олинди. Кўчириб келтирилган болаларнинг асосий қисми болалар уйларига жойлаштирилди. Уруш йилларида бундай уйларнинг сони икки баробардан зиёд кўпайди.

1941 йил охиригача 300 га яқин корхона ҳарбий изга солинди, жанговор техника, куруллар, ўқ-дори ишлаб чиқаришга мослаштириб қайта курилди. Шулардан 100 таси уруш бўлаётган ҳудудлардан кўчириб келтирилди ва қайта курилди. Бундан ташқари яна жуда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, маориф ва маданият муассасалари Ўзбекистонга эвакуация қилинди. 1941 йил 1 октябргача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди.

Иқтисодиётни жадал ҳарбий изга солиш энг муҳим вазифа эди. Бунда фронт орқаси меҳнаткашларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. 1941 йил 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари мажбурий ортиқча ишлар жорий қилинди, ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 11 соатлик иш куни жорий қилинди. Аслида иш куни 12-14 соатга чўзиларди. Бу ишчи ва хизматчилар сонини оширмасдан, ишлаб чиқариш қувватини кўтариш имконини берди. Бироқ ишчи кучи барибир етишмасди. Ўзбошимчалик билан корхонадан кетиб қолганларга 5 йилдан 8 йилгача қамок жазоси белгилаб қўйилди.

Хуллас, уруш йилларида Ўзбекистоннинг бутун моддий ва маънавий кучлари ғалаба учун сафарбар этилди, ҳаёт ҳарбий изга тушди.

Урушнинг дастлабки вақтларидан иқтисодий вазият кескин оғирлашди. Иттифок республикадаги кўпгина саноат ва қишлоқ хўжалик районларини босиб олганлиги халқ хўжалигини оғир аҳволга солиб қўйди. 1941 йил охири ва 1942 йилги Марказий ҳўкуматнинг ҳарбий хўжалик режаси қабул қилинди. Бунда Шарқнинг аҳамияти кескин ортганлиги қайд қилинди ва Шу ерда ниҳоятда қисқа муддатда саноат қурилишини авж олдириш, ҳарбий маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фронтга умумхалқ ёрдамини уюштириш кўзда тўтилди.

1941 йил сентябр-декабр ойларида республика ҳукумати халқ хўжалигини ҳарбий изга солиш, қайси корхона қачон ишга туширилиши тўғрисида, ички ресусларни тўла сафарбар этиш тўғрисида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Кадрлар, саноат хом ашёси, ёкилғи, станоклар, ускуналар кескин етишмаслигига қарамай, 1941 йил декабрига келиб Тошкентдаги 63 та, республика ҳудудидаги 230 та саноат корхоналари мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладилар. Кўчириб келинган заводлар ҳам ўз қувватини ошириб бордилар.

Электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 7 та йирик ва 30 га яқин кичик ГЭСлар қурилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг энг йирик гидростансияси бўлиб қолган Фарход ГЭС қўрилиши умумхалқ қурилишга айлантирилиб, 10 ой ичида Сирдарё тўсилиб, ГЭС ишга туширилди. Электр энергияси 1940 йилга қараганда 1943 йил 3,5 баробар ошди, 1945 йилда эса 1187 мл.киловат соатга кўпайди. Янги кўмир ва нефт қонлари очилди, эскиларидан кўпроқ фойдаланиладиган бўлинди (Ангрен, Шаргун, Қизилқия қонлари ва бошқалар). Бекободда металлургия заводи барпо этилди. Олмалик мис қони ишга туширилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда индўстриянинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган 280 та янги саноат корхонаси қурилди. Республиканинг саноат қуввати 1945 йили 1940 йилдагига нисбатан 2 марта, нефт ишлаб чиқариш 4 марта, металлни қайта ишлаш 4,5 марта, машинасозлик 13,4 марта, кўмир ишлаб чиқариш 30 марта ошди, кимё саноати ишлаб чиқарадиган ялпи маъсулотлар 5 баробар кўпайди. Шулар қаторида енгил ва озиқ-овқат кооператив саноатининг ҳам ишлаб чиқариш кўлами анча кенгайди.

Темир йўл ҳам ҳарбий хизматга ўтказилди. Тошкент темир йўли кўчириб келинаётган корхоналарнинг асбоб-ускуналари Гарбдан Шарққа етказиб бериладиган асосий йўлларида бири бўлиб қолди, Шарқдан Гарбга эса қурол-яроғлар юбориларди.

Уруш даври талаблари почта ва телеграф ишини ҳам қийинлаштириб қўйди. Барча алоқа корхоналарида иш вақти тизмалаштирилиб, иш ҳажми оширилди, почта корхоналарининг сони, телеграф ва телефон тармоқлари узунлиги ортди.

Уруш бошланиши билан республика қишлоқ хўжалиги олдида ҳам фронт ва фронт ортини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш вазифаси турарди. Бунинг учун халқ хўжалигининг барча соҳалари каби, қишлоқ хўжалигини ҳам ҳарбий изга солиш, техник экинлар, дон, полиз ва сабзаёт экинларини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини ошириш зарур эди. Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики:

1. Республика қишлоқ хўжалиги пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми Иттифоқ фондидан келтирилар эди. Уруш бошлангандан кейин озиқ-овқат келтириш тўхтади, аҳолини боқиш учун ички имкониятларни топиш зарур эди.

2. Деярли бир миллионга яқин киши, 200 минг етимлар Ўзбекистонда бошпана топди. Эвакуация қилинган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озиқ - овқат бўлган талабни янада оширди.

3. Дехқонлар фронтга ва ҳарбий саноатда ишлашга сафарбар этилгач, дехқонларнинг машаққатли меҳнати кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди.

4. Совхозларга Гарбдан янги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёж қисмлар келтириш тўхтаб қолди.

Бу қийинчиликларга қарамадан республикада дехқончиликни асосий тармоқ сифатида сақлаб қолган ҳолда дон, қанд лавлаги, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш тадбирлари кўрилди. Биринчи навбатда экин майдонларини ошириш юксак суръатлар билан олиб борилди. Шимолий Тошкент каналини барпо этиш 15 минг гектар йерни суғориш имконини берди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг кучлари билан Юқори Чирчиқ, Шимолий Фарғона, Сўх-Шоҳимардон, Учқўрғон каналлари, Косонсой сув омбори бунёд этилди. 1942-1943 йиллар мобайнида суғориладиган ерлар 546 минг гектарга кенгайди.

Шундай қилиб, уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ахли энг мураккаб ва оғир шароитда меҳнат қилиб, 4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 82 млн. пуд дон, 55 минг тонна пилла, 11 млн. тонна шоли, 57,5 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар. Бу фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшилган муносиб ысса эди.

Фронт ва фронт орқасини зарур хом ашё ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда жангчиларни ғалаба сари руҳлантиришда Ўзбекистон халқи, хусусан, фан ва маданият арбобларининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди. Илмий муассасаларда тадқиқотлар йўналиши ҳам уруш даври манфаатларига мослаштирилди. Геолог, энергетик, кимёгар олимларнинг илмий ишлари самарали бўлди. Бу даврда янги қонлар ўзлаштирилди. Ўрта Осиё Университетининг кимё-факултети негизида фармацевтика заводи ишга туширилди. Эвакуация қилинганлар ҳисобига кўпайган республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича ҳамма имкониятлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон ССРнинг ҳарбий минтақаларидан Иттифоқ академияси институтлари ва илм-фан арбоблари эвакуация қилинди. 1941 йилнинг кузида СССР Фанлари академияси Шарқшунослик, Тарих, Жаҳон адабиёти, Моддий маданият тарихи ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари, кўплаб олимлар кўчиб келдилар. СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг негизида 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил топди. Академиянинг биринчи президенти этиб Т.Н.Қори-Ниёзов сайланди. Фанлар академиясининг ташкил этилиши ўзбек халқи ҳаётида муҳим ходиса бўлди. Бу академия Ўзбекистон илмий тафаккурининг маркази бўлиб қолди. Бу даврда таниқли

математик олимлар Т.Н.Қори-Ниёзов, Т.А.Саримсоков, геолог олимлар Х.Н.Абдуллаев, А.С.Уклонский, файласуф И.М.Мўминов, кимёгар олимлар О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, энергетик А.Н.Аскогенский ва бошқалар самарали илмий ишларни олиб борган. Уруш туфайли Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келтирилган олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар Ўзбекистон олимлари ва ижодкорлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бордилар.

Инсонпарварлик ғояларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида ўзбек халқи маданий меросидан фойдалана бошланди. Тарихий мавзуда бадиий асарлар («Махмуд Таробий», «Муқанна», «Жалолиддин Мангуберди», «Тоҳир Малик» ва бошқалар) яратилди. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Султон Жўра, Ойдин каби шоир ва адиблар уруш мавзуйига бағишланган асарлар яратди.

Республика театр санъати, киноматография, ҳайкалторошлик ва рассомликда ватанпарварлик мавзуйидаги асарлар яратилди. Ўзбекистонда шу йилларда 35 та маҳаллий, 16 та кўчириб келтирилган театр иш олиб борди. Уруш йилларида ўзбек санъаткорлари 30 та концерт бригадаларига бўлиниб, фронтдаги жангчиларга 35 минг госпиталларда эса 26 минг концерт намоиш этдилар. Айниқса Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳидоятлов каби санъаткорлар иштинроқидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик бахшида этган. А.Абдуллаев, У.Аҳмедов, Ў.Тожибоев каби рассомлар уруш лавҳалари, бадиий йилномаларни яратиб, халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатини маҳорат билан тасвирладилар.

Қисқа метражли филмлар ва 10 та бадиий филмлар яратилди. Ў.Азимов, К.Ёрматов, Н.Ғаниев, С.Муҳамедов кабилар ўзбек киноматографияни ривожлантирдилар. Бу даврда ишланган «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра» каби филмлар «Ўзбекфилм»нинг олтин фондига киритилди.

1941-1945-йиллардаги урушнинг барча жабҳаларида Ўзбекистонлик жангчилар қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар. Иккинчи жаҳон урушида фашистлар ва Япония милитаризми кучларига қарши курашдаги жасорати, мардлик ва қаҳрамонлиги учун 120 минг киши орден ва медалларга, 280 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, улардан 75 таси ўзбек жангчилари эди, 82 Ўзбекистонлик аскар ҳар учала даражали «Шуҳрат» орденини олишга муяссар бўлган.

Жанг ҳаракатлари даврида ҳарбий асирликда бўлганлар, хусусан, Туркистон легионида қатнашганларнинг тақдири ҳам ниҳоятда оғир кечди. Уруш тугагач, улар ҳамма жойда таъқиб этилди, кўпчилиги турли қийноқларга дучор қилинди. Бу қийноқлардан омон қолган оз сонли кишиларгина кейинчалик озодликка чиқарилди.

1999-йил майда Тошкентда Хотира ва кадрлаш майдони барпо этилиб, унда «Мотамсаро она» ҳайкали ўрнатилди. Хиёбоннинг Шимолий ва Жанубий томонида қад кўтарган айвонлар тоқчаларида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган Ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифлари битилган металл тахталар қўйилган.

Назорат саволлари

1. Нега Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб қатағонлик сиёсатини амалга оширди?

2. Тоталитар тузумнинг асосий белгиларини кўрсатинг.

3. 30-йилларда оммавий қатағонларнинг авжига чиқишини қандай изоҳлаш мумкин?

4. 50-йилларда Ўзбекистон да амалга оширилган қатағонларнинг ҳарактерли хусусиятлари нималардан иборат?

5. 80-йилларда Ўзбекистонда мавжуд негатив ҳолларнинг асл сабабини кўрсатинг?

6. “Пахта иши”, “ўзбеклар иши” деб ном олган уйдирма жиноий ишлар хусусида сўзлаб беринг.

7. Халқнинг назарига тушган бу арбобларнинг қатағон қилинишига асосий сабаб нима эди?

8. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти бегуноҳ қатағон қилинганлар хотирасини абадийлаштириш учун қандай тадбирларни амалга оширди?

15-мавзу:

СОВЕТ ДАВЛАТИДА МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗЛИК ТУЗУМИНИНГ КУЧАЙИШИ ВА ИНҚИРОЗИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН (1946-1991 йй.)

Режа:

1. 50-80-йилларда республиканинг маданий ҳаёти.

2. 80-йилларнинг ўрталарида инқирозли вазиятнинг янада кескинлашуви.

3. Фарғона фожеаси. 80-йилларнинг охирларида Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасига биринчи котиб этиб сайланиши

Таянч иборалари

Тоталитар тузум, синфий ёндашув, маъмурий буйруқбозлик тизими, бюрократик бошқарув, ВИК, қатагонлар, ОГПУ, НКВД, ГУЛАГ, “Шаҳидлар хотираси ёдгорлиги, “пахта иши”, “ўзбеклар иши”.

Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
6. Бобобеков Х., Фарғона фожиалари кундалиги // «Фан ва турмуш».1990, № 4-5.
7. Мустақиллик: Изоҳли илмий - оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва К., Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. -Т.: Шарқ, 1996.
8. Салимов О., Усмонов К, Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. -Т.: Шарқ, 1999. -Б. 9-20, 40-46.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... 12 жилдлар.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000. -Б. 624-676.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 7-4, 773.
12. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -Б. 529-554.
13. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. - To'ldirilgan, qayta nashr. -Т.: G'afur G'ulom, 2009. -Б. 8-87.
14. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. -Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. -Б. 374-400.
15. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (Uchinchi kitob); R. Shamsutdinov, Sh. Karimov - Т.: Sharq, 2010. -Б. 440-472.
- <http://www.gov.uz> <http://www.press-service.uz/#ru/gallery/list/fotoalbom/>

1. Урушдан кейинги йилларда маъмурий - буйруқбозлик тизими ва миллий зиёлиларни қатагон қилишнинг янги тўлқини. Урушдан кейин мамлакатда раҳбарлик қилиш усуллари нормал ҳолатга ўтади, тинч кўрилишга мослаштирилади, ижтимоий - сиёсий ҳаёт демократлаштирилади, деган орзу - ниятлар рўйбга чиқмади. Аксинча иқтисодиётда, ижтимоий - сиёсий ва маънавий

ҳаётда маъмуриятчилик кучайди. Мамлакатни бошқариш партия - давлат аппаратида раҳбарлик лавозимларини эгаллаган тор доирадаги ходимлар томонидан тайёрланадиган, шахсан Сталин имзоси билан матбуотда эълон қилинадиган фармон ва қарорлар орқали амалга ошириладиган бўлиб қолди. Ҳаммани, хусусан жойлардаги раҳбарларни назорат остига олган тоталитар тузум Кремлда утирганларга мамлакатни фармон ва қарорлар билан бошқариш имкониятини берарди.

Республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқлари янада чекланиб борди. Сталиннинг ғалабани таъминлашда рус халқи асосий роль ўйнади, деган машъум ғояси бутун малакатни руслаштириш сиёсатига айланди. Оммавий ахборот воситалари, Компартия ва комсомол ташкилотлари русларни «катта», «улуғ оғамиз» деб баралла тарғиб қила бошлади.

Марказ мутасаддилари, мафкурачилари раҳнамолигида ўтган асрларнинг 50 - йиллари бошларида Ўзбекистонда бошланиб кетган илғор зиёлилар, илм -фан, адабиёт, санъат, маърифат намоёдаларини қувгин ва таъқиб қилишлар, улар ижодидан кир излаш, айб топишга уринишлар, шубҳасиз, республика маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади. У кўплаб олиму ижодкорлар, шоиру адиблар, истеъдод соҳиблари ҳаётини таҳликали ҳолатга дучор этди. Ўзбекистон Компартияси МК, нинг 1949 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг иши тўғрисида»ги қарорида А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романи танқид қилинди. Ёзувчилардан Ойбек, Миртемир, Ғ. Гулом, У. Рашидов, М. Шайхзода, М. Бобоев, А. Қаюмов ва бошқалар бадном қилинди. «Шарқ юлдузи», «Звезда востока» журналларининг таҳририятларига бир қатор «ярамас» асарларни чоп этишга йўл қўйган, деган жиддий айблар қўйилди.

1948 - 1949 йилларда 20 дан ортиқ йирик талантли олимлар, ёзувчи ва шоирлар қамоққа олиниб, ёпиқ равишда сўроқ қилиниб, миллатчиликда айбланиб, 15 - 25 йилга озодликдан маҳрум этилади ва сургун қилинади. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1950 йил 1 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иши тўғрисида»ги қарорида бир қатор иқтисодиёт, тил ва адабиёт соҳасидаги олимлар миллатчиликда айбланди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1951 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон ССРда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари, «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» халқ dostonларининг афсонавий фольклор сюжетларига асосланган опера, балет ва мусиқали драма спектакллари яратиш ва сахналарда кўрсатиш «зарарли» иш деб баҳоланди. Бундай спектакллари сахналаштирган ижодий ходимлар қаттиқ танқид остита олинди. Шунингдек, Кўпгина концерт ташкилотлари ва мусиқали театр ходимлари «Эски, архаик мусиқани ва жуда гамгин, мунгли мақом намуналари»ни таркатганлиги учун қораланди. Қарорда «Ўзбекистоннинг мусиқа санъати ҳаётдан орқада қолмокда, Ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифаларига тўла - тўқис хизмат қилмаётир», деб таъкидланди.

1951 йил 10 августда республика матбуотида «Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бўзгунликлар тўғрисида» деган мақола эълон қилинди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А. Бобожонов, Собир Абдулла, Хдбибийларнинг асарлари коммунистик мафкурага, халқлар дўстлигига зид ғояларни илгари сурувчи асарлар сифатида танқид қилинди, улар миллатчиликда айбланди.

1951 йил 24 августда матбуотда эълон қилинган «Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда» номли мақолада Ойбек, Х. Зарипов, Х. Ёкубов, И. Султонов ва бошқа адиблар мафкуравий оғишларда қораланди. М.Шайхзода, Шўқрулло Юсупов, Гулом Алимов (Шўхрат)лар 1951 йилда «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айланиб қамолқа олинди ва кейинчалик 25 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиндилар.

1952 йил февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МКнинг X Пленуми илмий ва ижодий зиёлиларни қувгин, таъқиб остига олишда яна бир туртки бўлди. Пленум да «Республикада мафкуравий ишларнинг ахволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Пленумда файласуф В.Зохидовнинг илмий ишларига буржуа - миллатчилик хатолари юкланди. Тарихчи А. Бобохужаев ва иқтисодчи О.Аминов пантуркизмни тарғиб қилишда айбланди. Улар «сиёсий ва ишчанлик сифатлари жиҳатидан эгаллаб турган лавозимларига тўғри келмайдиган шахслардир», деб ҳисобланди ва ишдан бўшатилади. Т. Тўла ва М. Шайхзодаларнинг шеър ва қушиқлари «ғоясиз ва ахлоқсиз» асарлар, деб баҳоланди.

Ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий қадриятлари яна бир бор оёқ ости қилинди, бу соҳада фаолият юритган ижодкорлар қатағон қилинди. Тарихий Ўтмиш ҳам, замонавий ҳаёт ҳам коммунистик мафкура, синфийлик нуқтаи назардан туриб Кўпол равишда бўзиб баҳоланди. Натижада маънавий ҳаётга, фалсафий ва бадиий тафаккурга, маданиятга катта зарар етди.

Сталин вафотидан кейин бутун СССРда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам шахсга сизиниш оқибатларини тугатиш тадбирлари кўрилди. 1956 йил КПСС нинг XX съездида Н.С. Хрущёв бошлиқ партия раҳбарлигининг бир қисми Сталин шахсига сизинишни, ноҳақ қатағонлар ва раҳбарлиқнинг авторитар усуллари фол қилиб чиқди. Қатағон қилинганлар ишини қайтадан кўриб чиқишга киришилди. Кўпгина жиноий ишлар тўқиб чиқарилгани, минглаб одамлар ноҳақ қамалиб, озодликдан маҳрум этилгани аниқланди ва улар оқланди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа Кўплаб ёзувчи ва шоирлар оқланди. Минглаб партия, совет, комсомол ходимлари номлари покланди. 50 -йилларнинг бошларида шубҳа остига олинган, ҳар бир қадами назорат қилинаётган 60 нафардан зиёд йирик олимлар, адиблардан «миллатчи, советларнинг душмани» деган ёрлиқлар олиб ташланди, тухматлардан халос бўлди.

Афсуски, жамият маънавий ҳаётида унўтилмас воқеа бўлган бу бир қадар илиқдик муҳити унча узок давом этмади. Одамлар хоҳиши, эркини бугиб, ихтиёрини ўзига буйсундириб, ҳамма нарсани ҳукмрон тузум манфаатларига хизмат қилдириб келган коммунистик мафкура ва унинг маддохлари Кўп ўтмай ўз зулмкорлигини қайтадан қучайтиришга киришди. Унинг тиги аввало

иждокорларга нисбатан қўлланила бошланди. Бунинг натижасида республиканинг илм - фани, маданиятига салмоқди ҳисса қушган таниқди алломалар, истеъдодли иждокорлар Кўпроқ азият чекканлиги, тақдирнинг қўтилмаган зарбаларига учраганлиги айна хдкикатдир.

Умуман, 1939 - 1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатларга озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган, 7 минг 100 киши эса отиб ташланган. Гайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида олимларни ҳам, ҳарбийларни ҳам, зиёлилардан тортиб оддий ишчилару дехдонларни, ҳдтто касб -хунармандларни ҳам истаганча топиш мумкин эди.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилган қатағонлик сиёсатининг туб мақсади ва асосий сабаблари қуйидагилар эди:

- > унчалик катта бўлмаган муайян гуруҳга кирган шахсларнинг ҳокимиятни ўз шахсий манфаатига хизмат қилдириш учуй яратилган маъмурий - буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлаш;

- > жамиятни бошқаришда йўл қуйилган камчилик ва хатоларни ўзга шахе ва гуруҳларнинг зиммасига юклаш;

- > жамият аъзоларини куркувда, тобеликда сакдаш, уларни манкуртга айлантириш.

Собиқ Иттифокда турғунлик ҳолати. XX асрнинг 80 - 90 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий - сиёсий ҳаёти. XX асрнинг 70 - 80 йилларида СССРда иқтисодиётнинг ривожланиш сураъти тобора пасайиб, сарф - ҳаражатлари ортиб борди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган ижтимоий, озик - овқат , аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги дастурлар самара бермади, иқтисодий зиддиятларни чуқурлаштириб юборди.

Собиқ Иттифокда юзага келган *турғунлик ҳрлати* сабабларига қуйидагиларни айтиш мумкин. Хусусан, XX аср иккинчи ярмидан дунёда илмий - техникавий янгиликлар содир бўлди. Бундан жаҳоннинг тараққий топган давлатлари самарали фойдалана бошлади. Машина - фабрика ишлаб чиқаришидан автоматлаштирилган комплекс ишлаб чиқаришга утиб борилди. Ишлаб чиқаришга ҳисоб - китоблар, ечимлар, назорат ва бошқариш вазибаларини бажарадиган электрон - ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келди ва кенг қўлланила бошланди.

Одамлар бажариб келган оддий техник, механик, оғир жисмоний ишларни техника воситалари бажарадиган бўлди. Фан ишлаб чиқариш кучига айланди. Натижада илғор мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг самараси ошиб, интенсив тараққиёт йўлига кирди. Моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятда банд бўлганлар сони ошиб борди. Ахборот техникаси тиббиёт, фан, таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўлланила борди. Инсон техник, механик ва оғир

жисмоний ишларни бажаришдан озод бўлиб, ўзини мазмунли, ижодий ишларга бағишлади. Пировардида турмуш савияси тобора яхшиланиб борди.

Бу даврда совет давлатида эса илмий - техника инқилобидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қуйилмади. Мамлакат катта табиий ресурсларга эга бўлсада, хўжаликлар уларнинг етишмовчилигига дуч келди. Кўпгина мамлакатлар фан - техника инқилоби туфайли халқ турмушида жиддий ижобий бурилишга эришган бир пайтда СССР бу жараёндан орқада қолиб кетди.

Ишлаб чиқариш технологияси эскирган, маҳсулотларнинг сифати паст, улар сотилмасдан омборларда тўпланиб қолаётган эди. Маъмурий -бўйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг мафкуралаштирилиши иқтисодиётни ислоҳ, қилиш йўлидаги уринишларни йўққа чиқарар эди. Ижтимоий эҳтиёжларга маблаг ажратишда қолдик; принципи ва тақсимотда текисчилик ҳукмрон эди. Булар аҳолининг меҳнатга кизиқиши ва фаоллигини сусайтирди, боқимандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, чайқовчилик, порахўрлик каби ярамас иллатларни келтириб чиқарди.

Бўйруқбозлик бошқарув усули, мамлакатда кенг тарқалган қоғозбозлик, мажлисбозлик иллатлари иқтисодиётнинг ўз қонунлари ва воситалари асосида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Одамлар мулкдан бегоналаштирилган, шу туфайли лоқайдлик юзага келди.

«Қайта қуриш» - XX асрнинг 80 - йиллари ўрталарида кенг истеъмолга кирган тушунча. қуриш КПСС МК Бош котиби Михаил Сергеевич Горбачев ва КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 25 апрель пленуми билан бевосита боғлиқдир. Бу сиёсат СССРда тоталитар тизимни ислоҳ, йўли билан ўзгаРтиришга қаратилган ҳаракатни англатган. Қайта қуриш сиёсатининг мақсади ва вазифаси мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий -сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» йўли билан хал этишдан иборат бўлган.

Қайта қуриш 1985 - 1990 йилларни ўз ичига олиб, икки босқичга бўлинади. **Биринчи босқич (1985 - 1987)** маъмурий - ташкилий тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан изоҳланди. Ушбу босқичда асосий вазифалар илмий - техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асносида инсон омилини фаоллаштиришга қаратилган эди.

Қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йуналтирилди. Бироқ бундай жараённинг ривожи ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни талаб қилди. Шунинг учун 1986 йилда қайта қуриш ва ижтимоий муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берилди. Бундай сиёсатнинг марказида эса жамиятни демократлаштириш, маъмурий - бўйруқбозлик ва бюрократизмга, қонунсизликка қарши кураш турар эди. Натижада жамият ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида маълум ўзгаришлар руй бера бошлади, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошди, демократия сари кадам ташланди, миллий ўзликни англаш жараёни юз берди. Аммо туб ўзгаришларни, барча соҳаларда ҳақиқий ислоҳатларни амалга ошириш йўлидаги уринишлар муваффақият қозонмади. 1986 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий ахволи баттар ёмонлаша бошлади, 1987 йил

январидан ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасая борди, иқтисодиётда инкирозли ҳолат юзага келди. Қайта қуришнинг биринчи босқичи шу тарзда мағлубият билан якун топди.

1987 - 1990 йиллар эса қайта қуришнинг иккинчи босқичи бўлиб, энликда жамиятнинг барча жабхаларини комплекс тарзда ислоҳ, қилишни кун тартибига куйди. Жумладан, бу даврда совет жамиятини демократлаштириш масаласи асосий вазифа, деб таъкидланди. Демократлаштириш жараёни жамиятни маълум даражада уйғотди, ижтимоий фаоллик ортди. Сайловларнинг муқобил номзодлар иштирокида, алтернатив асосда олиб борилиши ижобий ҳолат эди, бундан ташқари СССРда сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисидаги Қонун (1988 йил декабри) нинг қабул қилиниши ҳам жамият аъзолари ижтимоий фаоллигини оширишда маълум аҳамият касб этди. Бироқ Иттифокда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Бу икки сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, қайта қуришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган дастури йўқ эди. Иккинчидан, партия раҳбарлари бундан манфаатдор эмасдилар.

Хуллас, М.С. Горбачев бошчилигида КПСС раҳбариятининг бир қисми томонидан бошланган қайта қуриш сиёсати мамлакат ҳаёти ва умуман жаҳонда маълум ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди (ошқоралик, сиёсий плюрализм, «совуқ уруш»нинг тугаши ва ҳ.к.). Қайта қуришни амалга оширишдаги карама - қаршилиқ ва ноизчилликлар натижасида 80 -йилларнинг охири - 90 - йилларнинг бошидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бухронлар кучайиб кетди. Қайта қуриш собиқ СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла ҳал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик ғояларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам амалий самара бермади. Охир оқибатда КПСС нинг ҳалоқати ва СССР нинг тугашига муайян туртки бўлди.

«Пахта иши» ва унинг оқибатлари ^Х асрнинг 80 - 90 - йилларда совет ҳокимияти томонидан мавжуд тургунлик ҳолатидан чиқиш, шунингдек, собиқ иттифокдош республикаларнинг мустақиллик йўлидаги ҳаракатларини бартараф этиш, собиқ СССРда юзага келган инкирозли ҳаракатлар сабабларини иттифокдош республикалардан кидириш, уларни айблаш учун турли найранглар, «сиёсий ўйинлар» уйпаб чиқдилар.

1983 йилнинг охирида Ўзбекистонда жуда оғир вазият вужудга келган эди. Республикада жиноятчиликка қарши курашиш никоби остида СССР Бош прокурори ҳўзурида алоҳида муҳим ишлар буйича махсус 12 кишилиқ терговчилар гуруҳи тузилиб, ЎзССРга юборилади. Улар ЎзССРда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги «Кўпшб ёзиш», «ўғирлик», «кўзбуйамачилик», «порахўрлик»ни (аслида бундай молиявий жиноятлар ва қинғирликлар бутун СССР ҳудудидаги иқтисодиётда чуқур илдиз отиб келган эди) тергов қилиш билан шуғулландилар. Бунинг натижасида «пахта иши» пайдо бўлди. Терговлар жараёнида Москвадан юборилган Т.Х Гдлян ва Н.В. Иванов гуруҳининг фаолияти натижасида республикадаги жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг 60%, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг 45%, пахтачилик бригада

бошлиқларининг 35%, шунингдек, кўплаб раҳбарлар, вилоятлар ва туманлар партия комитети котиблари, республика микёсидаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз вазифаларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

ЎзССРнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида 1984 йил 23 июнда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК XVI - пленуми машъум роль уйнаган. Москва ташаббуси ва кўрсатмаси билан ташкил қилинган бу пленумда қабул қилинган ҳужжатлар ЎзССРда Ўзбек халқини асоссиз бадном этиш компаниясини бошлаб берди. Марказнинг тазйиқи остида 1984 йилдан Ўзбекистондаги раҳбарлик лавозимларига собиқ иттифокнинг ҳар хил жойларидан «кадрлар десанти» кела бошлади. Биргина 1984 - 1987 йилларда Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларидан 400 дан ортиқ киши Ўзбекистоннинг партия, совет, маъмурий - хўжалик органларига ишга юборилган. Кадрларни алмаштириш сиёсати аянчли тус олди.

«Пахта иши» оқибатда бутун мамлакатимизда парокандалик, лоқайдлик, умидсизлик ва ишончеизлик кайфияти чуқурлашди. Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳақ - ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сураб туман, вилоят ва республика партия ва совет органларига мурожаат қилдилар. 1986 - 1987 йилларда факат Ўзбекистон Компартияси МКга фуқаролардан 50 мингдан ортиқ хат ва шикоятлар тушди. 20 мингдан ортиқ киши Марказкум котиблари ва бўлим бошлиқлари қабулида бўлиб, ўзларининг талабларини билдирдилар.

Норозилик айниқса хотин - кизлар орасида кўпайди. 1986 - 1987 йилларда республикада 270 аёл ўзини - ўзи ёндириб юборди. Бу ҳолат уларнинг шаъни, кадр - кийматининг топталаши, ҳақ - ҳуқуқларининг бўзилишига нисбатан кўрсатилган норозилик эди. Ҳақиқат, адолат Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлгач рўёбга чикди. Ислом Каримов ташаббуси билан «Пахта иши»ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми авф этилди.

Фаргона фожияси Қайта куриш миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувида ҳам ўз аксини топди. Узоқ йиллар давомида тўпланиб, шаклланган ижтимоий - иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муаммоларнинг миллатлараро муносабатларга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

1989 йил май - июнь ойларида Фарғона, Тошкент вилоятларида ва Андижон шаҳрида миллатлараро можаролар рўй бердики, у республикада ва бутун мамлакатда ғоят даражада катта шов - шувга сабаб бўлди ҳамда республикада сиёсий вазиятнинг кескин тус олишига олиб келди. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортация қилинган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган, бунинг оқибатида эса ижтимоий - иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммолар юзага келган эди. Бу муаммога совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. Аксинча, «ривожланган социализм» даврига келиб СССРда «миллий масала бутунлай хал қилинди» деб «тантана» қилинди.

Аммо 1989 йил 24 майда Куvasой шахрида ёшлар ўртасида (Ўзбекистан компартиясининг биринчи котиби Рафик Нишоновнинг таърифича, «бир банка кулпиной» учун) бўлган безорилик миллатлараро (махаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фаргона водийсида оммавий тус олди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмади. Натижада, оддий можаро Фаргона, Маргилон, Тошлок, Қўқон, Андижон, Наманган, Тошкентда аҳолининг, айникса, ёшларнинг оммавий чиқишларига, миллатлараро тўқнашувларга сабаб бўлди.

Фаргона фожиалари ҳақида республика матбуотида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тўғри маълумот берилмаганлиги, бу можароларнинг келиб чиқишида асосан «махаллий аҳоли айбдор» деб бир томонлама ва ноҳолис баҳолашиши вазиятни янада кескинлаштирди. 11 июнда Тошкент шахрида ишлаётган ва ўқиётган Фарғоналик ёшлардан 100 га яқини «қизил майдонда» намоиш уюштириб, Фарғона воқеалари ҳақида «нотўғри» маълумот беришларга қарши фикр билдирдилар ва бошқа бир қатор талаблар куйдилар. Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларга «кўникмаган» мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намоишчиларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намоишчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди, натижада 50 дан зиёд намоишда қатнашган аҳоли ҳалок бўлди (уларнинг Кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиги эса ярадор қилинди. Умуман, 3 - 12 июнь кунлари Фаргона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ут қуйилиб, вайрон қилинган.

Фаргона фожиаларига тааллуқли маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, месхети турклари учун бу можаро мустабид тузум айби билан уруш даврида мажбуран ташлаб чиқилган она ватанларига қайтиб боришлари учун баҳона сифатида керак бўлган. Маҳаллий аҳоли эса бу можарога табиий равишда қўшилиб кетган. Воқеаларнинг кенг миқёс ва фожиали тус олганлиги сабабли совет ва маъмурий органлар месхети туркларини Фарғонадаги ҳарбий қисм полигонига лагерга ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод вилояти Ашт туманидаги Новгарзон посёлкасига шошилишч кўчирилади. Минглаб одамларни бундай лагерларда узоқ сақлаб бўлмас эди. Шунинг учун 16.282 киши Фарғона вилоятидан Россиянинг Смоленск, Орловск, Курск, Белгород ва Воронеж вилоятларига кўчириб олиб бориб жойлаштирилди.

Фарғонада уюштирилган сиёсий иғвогарлик Тбилиси, Тоғли Қорабоғ, Бокуда ташқил этилган иғвогарликлардан бири эди. Кейинчалик 1990 йил февраль - март ойларида Бўка ва Паркент, 1990 йил июнда Ўш ва Ўзганда ҳам шундай уринишлар бўлди. Ёвуз кучлар ўз мақсадига эриша олмадилар. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан кўрилган чора - тадбирлар натижасида кескинлик бартараф қилинди.

Назорат саволлари:

1. Урушдан кейинги йилларда маъмурий - буйруқбозлик тизими кучайиши ҳақида нималар биласиз?
2. Миллий зиёлиларни қатағон қилишнинг янги тўлқини
3. Собиқ Иттифокда турғунлик ҳолатининг асосий сабабларини айтинг?.
4. XX асрнинг 80 - 90 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий - сиёсий ҳаётини изоҳланг?.
5. “Пахта иши” ва унинг оқибатларини гапиринг?
6. “Қайта куриш” сиёсатини моҳиятини тушунтириб беринг?
7. “Фарғона вожеаси” қачон рўй берди, унинг сабаблари нималардан иборат?
8. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан қандай чора – тадбирлар кўрилди?

16-мавзу:

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ. ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Режа:

1. Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритилиши.
2. Сиёсий ислоҳатлар.
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқил топиши.
4. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши

Таянч иборалари

Мустақиллик, демократик ҳуқуқий давлат, тоталитар тузум, миллий қадриятлар, давлат тили мақоми, суверенитет, халқ депутатлари советлари, Президентлик бошқаруви. Мустақиллик декларацияси. Олий Кенгаш, Дипломатик алоқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Миллий истиқлол даври, референдум, давлат рамзлари, давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, миллий валюта.

1990 йилларга келиб СССР таркибидаги республикалар суверенитетини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар буйруқбозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади.

Ўзбекистон раҳбарияти республика халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос мустақил тарзда ўзи белгилай бошлади. Унга бинон, СССР марказий идораларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади.

2. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши. XX аср 90 - йилларига келиб жаҳон ва собиқ иттифокдаги ўзгаришлар ҳамда юзага келган вазият Ўзбек халқининг мустақиллик учун бўлган курашини тезлаштириб юборди. Бу уринда Ўзбекистан Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 23 июндаги пленуми ва унда Ислом Каримовнинг биринчи котиб этиб сайланиши жуда катта аҳамият касб этди. Ушбу анжуманда И. Каримов Ўзбекистоннинг собиқ Иттифокда тутган ўрни ва ролини аниқ - равшан белгилаб берди, маданий меросни ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий урф - одатлар ва анъаналарни ривожлантириш объектив зарурат эканлигини исботлади.

Ўзбекистоннинг янги ҳукумати Марказ билан буладиган муносабатларни ўзгартирмай туриб, ижобий силжишларга эришиб булмаслигини ва бунинг учун республиканинг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш зарурлигини тушуниб етди. И.А. Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1989 йил 15 августда «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар, шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй - жой қўрилишини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Гарчи бу ғоя иттифок раҳбарларига ёкмаган бўлса ҳам, И.А. Каримов ўз фикридан қайтмай, уни жасорат билан амалга ошира борди. Натижада уша йилнинг 4 ойида аҳоли қўшимча 90,7 минг гектар ер олди.

XX асрнинг 80 - йиллари ўрталарига келиб СССРнинг парчаланиши реал объектив ҳақиқатга айланиб қолди. Бу жараёни Ўзбек тилига давлат макрми берилиши айникса тезлатиб юборди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистан Олий Советининг XI сессияси «Ўзбекистан ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Иш юритиш секин - аста Ўзбек тилига ўтказила бошланди, уни ўрганишни яхшилаш юзасидан аниқ чора - тадбирлар белгиланди. Айни вақтда рус тилини ва республикада яшовчи бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш учун шарт -шароитлар яратилиши лозим эди, тилни ўрганишнинг ихтиёрийлиги ва уни танлаш ҳуқуқи қонунда белгилаб қуйилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз - ўзини англашининг усиши, республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сакланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий кадам қуйилди.

1990 йил 23 мартда Ўзбекистан Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида республика сиёсий тизими тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистонда ҳокимиятнинг **Президентлик бошқаруви** шаклига ўтиши республика суверенитети ва давлатчилигида моҳиятан янги босқич эканлиги таъкидланди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ 1 - сессияси СССР доирасида биринчи бўлган сиёсий ҳужжатни — «**Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви таъсис этиш тўғрисида**»ги қарорни қабул қилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. Шу тариқа, Ўзбекистон — СССР

республикалари ичида биринчи бўлиб ўзининг миллий ҳуқуқий ва демократик давлатига мустақиллик кам замин яратди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қуйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бу - 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан **«Мустақиллик Декларациясиги»** қабул қилиниши эди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон қонунларининг Иттифоқ қонунларидан устуворлигини таъминлади. Шу билан бирга, «Мустақиллик Декларацияси» Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августга қадар мавжуд бўлган бошқарув, ҳуқуқий фаолиятини таъминлади, барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди. Декларацияда ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларига ва демократия тамойилларига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат суверенитети эълон қилинди.

Декларациянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда республиканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига дойр масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди.

Шундай бир тарихий шароитда собиқ СССРдаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. XX асрининг 90 - йиллари бошларида Иттифоқ таркибидаги Кўпчилик республикалар мавжуд вазиятни ўзгартиришни талаб қилиша бошлади. 1990 йил баҳорида Совет Социалистик Республикалари ҳисобланган Болтиқбуйидаги Литва (11 март), Латвия (4 майда), Эстония (8 май), кейинрок Грузия (октябрь) ва Озарбайжон (1991 йил февраль) Иттифоқ таркибидан чиққанлигини эълон қилди. Бу ҳолат СССРнинг давлат бутунлигига жиддий таъсир кўрсатди. Москва 1990 йил кўзида Марказ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни янгилаш юзасидан музоқаралар жараёнини бошлаб юборди. Шу асосда марказий ҳокимият жамоатчиликнинг талаблари остида Иттифоқ шартномасини янгилаш заруратини эътироф этишга мажбур бўлди.

СССР Олий Совети Иттифоқ шартномасини ўзгартириш, СССРни тенг ҳуқуқли суверен республикалар Федерацияси сифатида янгилаш хусусида халқнинг фикрини билиш мақсадида 1991 йил 17 март куни Бутуниттифоқ референдумини ўтказишга қарор қилди. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати референдум ўтказишни мақуллади ва СССР Олий Совети томонидан тайёрланган бюллетень билан бирга яна битта қўшимча бюллетенни овозга қуйишга қарор қилди.

Қўшимча бюллетенга **«Сиз Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида киришига розимисиз?»** деган савол қуйилди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 93 % бу саволга **«ҳа»** деб жавоб бердилар. Демак, Ўзбекистонликлар ўз мамлакатини мустақил давлат сифатида федератив иттифоқда булишини, Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқдаб овоз берган эдилар.

1991 йил апрелда Киевда Украина, Россия, Беларус, Ўзбекистон, Қозоғистон республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда мустақил республикалар манфаатларига мос келадиган Иттифоқ шартномасини тузишга ёндашиш йўллари ишлаб чиқилди ва тегишли баёнот имзоланди. Бу

хужжатни Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари ҳам имзолашга розилик билдирди. Марказ ён беришга мажбур бўлди.

1991 йилга келиб Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш борасида дадил ишлар қилина бошланди. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши **«Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида»** махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, республикада қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифок қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифок қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганлиги билан ажралиб тура бошлади. Хусусан, 1991 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг **«Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа буйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш»** тўғрисида қабул қилган қарори ҳам Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий - иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар ташлаганлигининг исботидир.

3. Совет империясининг таназзулга юз тутиши. 1991 йилнинг апрель ойига келиб, Марказ ўзининг таъсир доирасини сакдаб қрлиш мақсадида мустақил давлатлар иттифоқини тузишга интилди. 1991 йил апрелда Ново - Оғорёвода СССР Президенти М.С. Горбачевнинг 9 республика раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Иштирокчилар томонидан **«Мамлакатдаги еазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида»** қўшма Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат **«9 + 1»** (9 республика + Марказ) деган номни олди. Унинг мазмуни марказнинг ён берганини, Киевда билдирилган фикр - мулоҳазаларга рози бўлганини кўрсатади.

1991 йил 3 июнда Ново - Оғорёвода СССР Олий Совети вакиллари билан Республика раҳбарлари ўртасида учрашув бўлди. Учрашувда Мустақил давлатлар иттифоқи (МДХ) тузиш масаласи муҳокама қилинди. Мулк, тил ва янги шартномани тасдиқлаш тартиби тўғрисида кескин мунозара бўлди. Учрашувда иштирокчиларнинг фикр - мулоҳазалари асосан инобатга олинган **«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома»** лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа барча Республикалар Олий Советларига муҳокама учун жўнатилди.

Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Олий Советида 1991 йил 14 июнда муҳокама қилинди. Кенгаш Федерация тамойиллари асосида Мустақил Давлатлар Иттифоқини тузиш тарафдори эканлигини билдирди. Шу билан бирга у Республикалар ваколатларини янада кенгайтиришга доир таклифларни илгари сурди.

1991 йил июль ойининг охирларида Ново - Оғорёвода янги шартнома лойиҳасини узил - кесил таёрлаш учун Марказ вакиллари ва Республика раҳбарларининг учрашуви бўлди. Марказни ҳам, Республикалар раҳбарларини ҳам каноатлантирадиган **«Мустақил Давлатлар Иттифоқи**

тўғрисида шартнома» лойиҳаси тайёрланди. Аммо ҳамма рози бўлгани холда **«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома»**ни имзолаш 1991 йил 20 август кунига колдирилди. СССР Президенти М.С. Горбачев Форос (Крим)га дам олиш учун жўнаб кетди.

Бироқ иттифокнинг компартия ва марказий давлат аппаратидаги бир неча нуфузли раҳбарлар марказнинг якка ҳокимлигини чеклайдиган ва камида олти республикани Иттифокдан четда қолдирадиган бу шартномага қўшила олмади. Бу раҳбарлар олий ҳокимият маҳкамаларидаги асосий лавозимларни эгаллаб турар эди. Президент М. Горбачев дам олишга кетганидан фойдаланиб, улар 1991 йил 18 август куни тайёрланган ва 19 августда матбуотда эълон қилинган «Совет раҳбариятининг Баёноти»да М.С. Горбачевнинг саломатлиги ёмонлашди, шу сабабли унинг СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқ, деган сохта ахборот билан чиқдилар. Баёнотда Президент ваколатлари вице - президент Г.И. Янаевга ўтказилганлиги эълон қилинди. Аслида эса Президент М.С. Горбачёв соғ -саломат эди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади. Фитначилар ноқонуний равишда уни ўз вазифасидан четлаштирди ва мамлакатдан, халқдан, дунёдан ажратиб, барча алоқа воситаларини узиб, 72 соат қамал қилиб қўйган эди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП) тузилди.

1991 йил 18 августда мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятига қарши Б.Н. Ельцин бошчилик қилди. Унинг фармони билан 1991 йил 22 августда КПСС фаолияти тўхтатилади, кейинчалик таъкиклаб қўйилади. Аммо КПСС Марказий Қўмитаси жойлардаги партия қўмиталаридан тўнтаришни қўллаб -қувватлашни талаб қилди. Москва ва бошқа бир неча йирик шаҳарларига қўшинлар, шу жумладан танклар киритилди, деярли барча марказий газеталар таъкиклаб қўйилди, марказий телевидениянинг биринчи каналдан бошқа барча каналлари, деярли барча радиостанциялар иши тўхтатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасидан юз ўгирди, армия пайт пойлаш позициясида турди. 20 августдаёқ қаршилиқ марказига айланган РСФСР Олий Кенгаши бинотида атрофида баррикадалар пайдо бўлди, уларда ўн минглаб кишилар ҳимояда турди. Ҳарбий бўлинмаларнинг бир қисми мудофаачилар тарафига ўтди. 21 августда фитначилар мағлубиятга учради, 22 августда эса Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП) аъзолари қамокқа олинди. Шундан сўнг тўнтаришни қўллаб - қувватлаган КПСС раҳбарияти бу партиянинг обрусини узил - кесил ерга урди. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг мағлубиятидан сўнг мамлакатда коммунизмга қарши оммавий намоишлар бўлиб ўтди. КПССнинг фаолияти тўхтатиб қўйилгач, партиянинг қарийб 15 миллион аъзосидан биронтаси бу қарорга қарши норозилик билдириш учун кучага чиқмади. Бу, мазкур партия 1991 йил ёзидаги кийёфасида умри тугаганидан далолат берувчи рамзий ҳолат эди.

Москвада фожиали ҳодисалар руй берган пайтда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов расмий сафар билан Ҳиндистонда эди. Президентимиз 1991 йил 19 августда сафардан қайтиб келди ва шу куни кечкурун Тошкент шаҳрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи

назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти Марказдан бериладиган қонунга ҳилоф бўлган ҳар қандай кўрсатмаларни бажаришни ман этди. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият муҳокама қилиниб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ислом Каримов Фавқулодда ҳолат Давлат Қўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирмаган, қўрқоқ ва принципсиз мавқеда турган КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюроси ва Котибияти юз минглаб коммунистларнинг шаъни ва қадр - қимматини зарба остига қўйганини қоралади. Бунинг устига республика коммунистларини чалғитишга ва давлат тунтаришини қўллаб - қувватлашга мажбур қилишга уриниш бўлганини ошқора айтди. И. Каримов бундан буён КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюросининг таркибида қола олмаслиги тўғрисида баёнот берди. Мазкур баёнотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсати мақуллади.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонига биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, пракуратураси, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай холи қилинди.

Собиқ Иттифоқнинг расмий жиҳатдан тугатилишида 1991 йил 8 декабрда Белоруссиянинг БелаЯ Вежа пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро битим муҳим аҳамият касб этди. Битимда 1922 йил 30 декабрда ташқил топган СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташқил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25 декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди ва М.С. Горбачев Бош котиб ва Президент лавозимларидан истеъфога чиқди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз холига ташлаб қуйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди.

Ўзбекистон - м у с т а қ и л

26

август

куни

-tr

Ўзбекистоннинг давлат

дав л а т

мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳам да 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат қўмитасининг 28 августда бўлган қўшма Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакиллари чакриб олишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»** ҳамда **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ти масалалар кун тартибига қуйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифовда сўнги пайтларда юз берган ижтимоий - сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан муштаҳкамлашни таклиф қилди.

Олий Кенгаш депутатлари моддама - модда муҳокамадан сўнг **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ти қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти»** қабул қилинди. Баёнотда бундай дейилган эди: ... **«Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси ташқил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади»**.

Олий Кенгаш сессиясида **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»** қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда:

1) Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин;

2) 1 сентябрь - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин, деб қатъий белгилаб қуйилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ти қонун ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қонун асосида

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча Конституция ролини ҳам уйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат ушбу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгаларини аниқлаб берди. Қонунининг биринчи моддасида: **«Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақъл, демократик давлатдир»**, - деб қонунлаштириб қўйилди.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий - ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган қарори билан Конституциявий Қонун мақоми берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига Конституциявий мақом берилсин».

Шу тариқа, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, руёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутеликдан, асоратдан қутилди. Дунё Ҳаритасида яна битта мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр - миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлари учун муносиб турмуш яратиш имконияти вужудга келди.

Умумхалқ референдуми Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун, аввало, халқнинг фикрини билиш, мустақилликка муносабатини аниқлаш зарур эди. Шу мақсадда 1991 йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси **«Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»** қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар белгиланди:

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала буйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: **«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мақуллайсизми?»**

Референдумга катта тайёргарлик кўрилди. Референдумни уюшчоклик билан ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси, 13 округ, 7 минг участка сайлов комиссиялари тузилди. 1991 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган референдумда 9 миллион 898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатида киритилганларнинг 94,1 % қатнашди. Уларнинг 98,2 % референдумда қўйилган саволни мақуллаб овоз берди. Демак, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан яқдиллик билан мақулланди. Шуни таъкидлаш лозимки, референдум бутун республика ҳудудида қонун асосида ташкилий жиҳатдан уюшчоклик, фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги билан ўтди. Буни референдумда АҚШ,

Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган мустақил кузатувчилар ҳам тасдиклади.

*Ислом Каримов -
Ўзбекистоннинг биринчи
Президенти*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарддл тизими - Президентлик республика

бошқаруви шаклини ривожлантиришга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябридаги VIII сессиясида умумхалқ референдумини ўтказиш қарори билан бирга **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ти Қонуни, шунингдек, **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгиланди. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, 13 та округ ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссиялари тузилди. Олий лавозимга икки номзод - Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси номзоди И.А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Мухаммад Солих) номзоди қўйилди.

1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислом Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3 %) Салой Мадаминов номзодини ёклаб овоз берди.

1991 йил 30 декабрда Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35 - моддасига асосан Ислом Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб -ҳисоблашга қарор қилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан - тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А. Каримов 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов касамёд қилди.

1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи буйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Унда 11 млн. 245 028 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 99,3 % иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга сиз розимисиз» деган саволга 11 млн. 199 минг 415 киши, ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 % ижобий жавоб берди.

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ Кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ваколат муддатини 2000 йилгача узайтиришни мақуллади ва референдум натижалари Марказий сайлов комиссияси қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли қарори билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 - 20 август кунлари бўлиб ўтган XV сессияси И.А. Каримовнинг Президентлик ваколати муддати 1999 йил охирларида тугашини эътиборга олиб, 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга қарор қилди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси номзоди Ислон Абдуганиевич Каримовни ҳамда Ўзбекистон халқ демократик партиясидан кўрсатилган Абдулҳдфиз Жалоловни Президентликка номзод этиб рўйхатга олди, яширин овоз бериш бюллетенига киритди.

2000 йил 9 январда муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 95,10 фоизи, 12 млн. 123 минг 199 сайловчи қатнашди. Сайловда қатнашганларнинг 91,90 фоизи Ислон Каримов учун, 4,17 фоизи А. Жалолов учун овоз берди. 3,93 фоиз бюллетен ҳақиқий эмас деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислон Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. И.А. Каримов иккинчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Маълумки, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришларга мувофиқ равишда И.А. Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йил 23 декабрида мўқрбиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, И.А. Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ва Конституциясининг қабул қилиниши. Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга дадиллик билан киришди. Биринчи бўлиб, давлат рамзлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь VIII сессиясида 13 моддадан иборат бўлган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ти Қонуни қабул қилинди. Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатида хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 8 моддадан иборат бўлган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»**ти Қонуни қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо куши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чанокдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида**»ти (12 моддадан иборат) Қонун қабул қилинди. Давлат мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, муסיқаси Ўзбекистон халқ бастакори Мутал Бурхонов томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини кулга киритиб ўзининг миллий валютасини муомалага киритишга киришди. Бирок, бу жараён учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991 - 1993 йилларда собиқ иттифокдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги мақонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг кадри ҳам шунга мое равишда тушиб борди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм - Купон нусхалари тайёрланади. Ниҳоят, 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда сўм - Купон муомалага киритилди, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм - Купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини курди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида**»ти Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб республика ҳудудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютаси - Сўм муомалага чиқарилган.

Муомалаға 1994 йилда 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик, 1997 йил 1 мартдан 200 сўмлик, 2000 йил 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 йил 1 сентябрдан 1000 сўмлик банкнотлар чиқарилган. Кейинчалик, 1, 5, 10, 25, 50 сўм қийматидаги тангалар муомалаға киритилган.

Ўзбекистон Республикаси
табиий

Конституцияси

Ўзбекистон мустақилликини қўлга киритгач,
равишда давлат мустақиллиги ва суверенитетини
Конституция асосида мустаҳкамлаш зарурати юзаға келди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини тайёрлаш ғояси дастлаб И.А. Каримов томонидан 1990 йилнинг март ойида илғари сурилди. 1990 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида янги Конституция ишлаб чиқиш лозим, деган хулосаға келинди. Сессия Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш буйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия таркибига Олий Кенгаш депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари, давлат, жамоат ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар киритилди.

Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш устида 2,5 йил ишлади. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда Конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди, инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик соҳасида жаҳонда қўлга киритилган

ютуқлар ҳисобига олинди. Миллий давлатчилигимизнинг тажрибаси, Амир Темур ва бошқа алломаларимизнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ғоялари янги Конституцияга асос қилиб олинди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябрь - ноябрига тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга бўлинган 158 моддадан иборат эди. Бу лойиҳа хали мукамаллик даражасидан анча йироқ эди. Унинг устида янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш зарур эди. 1992 йил баҳорида эса лойиҳанинг 149 - моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. 1992 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама 2 ойча давом этди. Муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар асосида тузатишлар киритилган лойиҳа 1992 йил 26 ноябрда матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, улар инобатга олинди. Президент И.А. Каримов Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди ва ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг XI сессияси бўлди. Унда мамалакатнинг Асосий Қонунини қабул қилиш масаласини муҳокама қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб, шу кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг XI сессияси **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»**, **«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида»** ва **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ти Қонунларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 128 моддадан иборат. У «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб берувчи қуйидаги асосий тамойилларини билиб олишга аҳамият бериш зарур:

Ўзбекистон Конституциясининг биринчи тамойили — давлат суверенитетидир. 1 - 6 — моддаларда Ўзбекистон — суверен демократик республика, давлат халқ манфаатларига хизмат қилади, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритади, Ўзбек тили давлат тилидир, деб белгилаб қуйилган. Конституцияда давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади, деб белгилаб қуйилган.

Иккинчи Конституциявий тамойил — халқ ҳокимиятчилигидир. 7 -14 — моддаларда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар унинг фуқаролари ташкил этади, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади, деб кўрсатилган.

Учинчи Конституциявий тамойил — давлат ҳокимиятининг уч тармоқка бўлинишидир. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунл аштирил ди.

Тўртинчи Конституциявий тамойил — бу демократияга содикдикдир. Конституцияда демократия ва ижтимоий адолатга садокат эълон қилинади ҳамда инсонпарвар демократик - ҳуқуқий давлат барпо этиш назарда тутилади.

Бешинчи Конституциявий тамойил — Конституция ва қонунларнинг устуворлигидир. Конституциянинг 15 - моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб белгилаб қуйилган.

Олтинчи Конституциявий тамойил — халқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг тенглиги ва дахлсизлигидир. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари муҳим халқаро ҳужжатлар — «Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт» ва бошқалар асосида баён этилган.

Конституциянинг 18 - 52 — моддалари инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Ўзбекистон давлати томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган ва улар ҳимоя қилинади. Конституция буйича ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланади.

Еттинчи Конституциявий тамойил — қонунийликдир. Қонунийлик жамиятнинг бир маромда ҳаёт кечиришини, давлат органларининг маромли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўргандагина жамиятда барқарорлик ва тараққиёт булади.

Саккизинчи Конституциявий тамойил — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий қоидаларини аниқ белгилаб қуйилганлигидир. Асосий Қонуннинг 17 - моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати акс этган.

Конституцияда давлат халқнинг манфаатлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа давлатлар билан иттифоқ ва дўстона алоқалар урнатиши ҳамда давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги қонунлаштирилган.

Туққизинчи Конституциявий тамойил — маҳаллий ўзини - ўзи бошқаришдир. Ўзбекистонда Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳоким институти жорий этилди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари халқ депутатлари кенгашлари бўлиб, уларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладилар. Конституциянинг 99 - 104 -моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, ҳокимларни тайинлаш ва тасдиклаш тартиблари, уларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда ислохатлар чуқурлашиб, жамиятни модернизациялаш, бутун ижтимоий ҳаётни янгилаш жараёни кўлами ва микёси кенгайгани сайин, улар бутун салмоғи билан Конституцияда ўз ифодасини топиши ва ҳуқуқий асосга эга булиши лозим.

Маълумки, 2002 йил 27 январда умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдум Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик килиб ўзгартиш тўғрисидаги масалаларга бағишланган эди. Референдум қарорларига кўра, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб ҳисобланди.

Референдум якунларига кўра 2003 йил 24 апрелда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XI сессияси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилди. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси), XIX (Ўзбекистон Республикасининг Президенти), XX (Вазирлар Маҳкамаси), XXIII (Сайлов тизими) бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89 - моддасига, 93 - моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77 -моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга, жамият сиёсий ҳаётининг фаоллашувига, сайлов тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Назорат саволлари

1. Мустақиллик ва давлат мустақиллиги деганда нимани тушунасиш?
2. Тоталитар тузумнинг моҳияти нимада?
3. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши аҳамияти нимада?
4. Референдум нима?

5. Ўзбекистон республикасининг мустақиллик декларацияси қандай ҳужжатларда ўз ифодасини топди? ?
6. Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими таъсис этиш тўғрисида қарор қачон қабул қилинди?
7. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари мустақилликни мустаҳкамлашда қандай аҳамиятга эга?
8. Ўзбекистонда кўппртиявийлик тизими қандай амалга оширилди?

17-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ – МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Режа:

-
1. Тараққиётнинг «Ўзбек модели».
 2. Иқтисодий ислохотлар, унинг стратегияси, устувор йўналишлари ва босқичлари. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши.
 3. Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши.
 4. Маданият ва спортнинг ривожланиши.

Таянч иборалари:

Бозор иқтисодиёти, “Ўзбекистон модели”, беш тамойил, иқтисодий мустақиллик, иқтисодий ислохотлар стратегияси, кучли ижтимоий сиёсат, бозор механизми, демографик вазият, кўп укладли иқтисодиёт, тадбиркорлик, хусусийлаштириш, инфра тузилмалар, инвестиция, акциядорлик жамиятлари, кўчмас мулк ва қимматли қозғошлар бозори, ким ошди савдоси. Маърифат, маънавият, маънавий қадриятлар, диний қадриятлар, миллий гуруҳ, миллатчилик, Наврўз, виждон ва дин эркинлиги, хурфиқрлилик, миллий истиқлол мафкураси, умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, байналмилаллик, мафкуравий бўшлиқ, иммунитет.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Асарлар, 14-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 2006.
5. Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ, этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов. И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. Каримов. И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
9. Қорақолпоғистон Республикасининг Конституцияси. - Нукус: Қорақолпоғистон, 1998.
10. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Халқ сўзи, 2003 йил 21 май.
11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. №12.
12. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. №12.

13. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 2 сентябрь). // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон. - Т.: Адолат, 1995.

14. «Фуқарларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун. (1993 йил 2 сентябрь). // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. - Т.: Адолат, 1999.

15. Лебедева СВ. Формирование Сената. - Т.: ТГЮИ. 2004.

16. Мустақиллик: Изоҳли илмий - оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва К. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. -Т.: Шарқ, 2006.

17. Усмонов К., Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. -Т.: Ф. Гулом номидаги нашр., 2004.

18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... 12 жилдлар.

19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.76-118.

20. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -Б. 547-575.

21. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / К., Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. - 3-тўлдирилган ва тузатилган нашри. -Т.: O'zbekiston, 2010.

22. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. - To'ldirilgan, qayta nashr. -Т.: G'afur G'ulom, 2009. -Б. 88-133; 163-242.

23. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. -Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. -Б. 401-417. www.gov.uz; www.parliament.gov.uz; www.senat.gov.uz; <http://eco.uz>

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантиришнинг миллий анъаналарга асосланган ўз йўлини танлаб олди. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели ишлаб чиқилди. Ушбу концепциянинг қоидалари Президентимиз И.А.Каримовнинг китобларида, мақолаларида, нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда баён этиб берилган. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бу йўли республикаимизнинг миллий ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг ҳаёти, шароити ва имкониятларига, Ўзбекистон анъаналарига, унинг тарихига ва халқнинг хусусиятига мувофиқ келади.

Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг асарларида бозор иқтисодиётининг беш тамойили таърифлаб берилди. 1) иқтисодиётнинг сиёсатдан устивор бўлиши; 2) давлат асосий ислохотчи бўлиши; 3) қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги; 4) кучли ижтимоий сиёсат; 5) бозорга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, бошқа давлатларда ҳам тан олинди. Президентимиз таъкидлаганидай, - “Илғор мамлакатларнинг тажрибасига кўра, фақат бозор муносабатларига ўтиш халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва раванқини ўстириш йўлида республика ишлаб чиқарувчи кучларидаги жуда катта имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаши мумкин”.

Иқтисодий мустақиллик деганда нимани тушунамиз? Энг аввало ҳар қандай давлат ёки мамлакат иқтисодий мустақил бўлиши учун унинг иқтисодиёти, ҳўжалиги бошқа мамлакатлар иқтисодиётига қарамликдан холи бўлиши, энг муҳим озиқ-овқат, истеъмол моллари, стратегик хом-ашёлар билан ўзини-ўзи, асосан, таъминлаши керак. Иқтисодий мустақил давлат бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар тузишнинг иқтисодий жиҳатдан кафолатланганлигини ифодалайди.

Юқоридаги тамойилларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.1. Бир қанча мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилганда у барбод бўлади. “Иқтисодиёт, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, - сиёсатга нисбатан устивор мавқеда бўлиши лозим”. Бутун инсоният тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инсон - у деҳқонми, ишчими, агрономми - ким бўлмасин, ўз иш жойида ўзини ҳўжайин деб ҳис қилиши, ўз меҳнатининг натижаларидан моддий жиҳатдан манфаатдор бўлиш керак. Бу нарсалар, инсон меҳнатининг маҳсулоти бозорнинг ўзи белгилаб берадиган нархлар бўйича эркин сотилиши керак.

Бозорнинг қондаси эса шундай:- кимнинг маҳсулоти яхшироқ ва арзонроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб ҳаммадан кўра кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёсат ўз таъсирини ўтказа олмайди.2. Бозор муносабатлари ривож топган давлатлар иқтисодиётга камроқ буйруқ беришга ҳаракат қилади. Башарти вазият тақозо этса, пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишни давлат ўз зиммасига олади. Бизда, бозор иқтисодиётга ўтилар экан, эски иқтисодий механизмни йўқотиб, ўрнига янги бозор механизмини бир лаҳзада яратиб бўлмайди. Уларни барпо этиш, шакллантириш учун муайян вақт керак.

Президентимизнинг “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” номли асарида ҳўжаликнинг таянч тармоқлари - умуммиллий манфатларга дахлдор бўлган энг муҳим вазифаларни давлат амалга ошириши таъкидлаб ўтилган. Бозор муносабатларига ўтиш учун ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг бутун тизими, давлатимизнинг ва ижтимоий тузумни қайтадан бунёд этиш керак. Бу ишларни давлатдан бошқа ҳеч ким ҳал қила олмайди. Бозор муносабатларига ўтишимизда давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи вазифасини бажаради.3. Бозор муносабатларини зўравонлик йўли билан шакллантириб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий меёрлар ва қондаларга таяниши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фарқ қилади. Қонуннинг устиворлиги ҳуқуқий давлат барпо этиш заруратидан келиб чиқади. Қонун олдида ҳамма баробардир.

Барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қонун билан тартибга солинади. Маърифий дунёдаги бозор - қонунга ҳурмат демакдир.4. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи, халкнинг турмуши, демографик вазият билан боғлиқ. Аҳоли таркибида боқимандаларнинг ҳиссаси кўп. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида дастлаб аҳоли ижтимоий жиҳатдан табақаланади ва ҳимояга муҳтож бўлган қатлами кенгаяди. Шунинг учун давлат ҳимояга муҳтож қатламларни муҳофаза қилиш учун баҳоли қудрат зарур тадбирлар кўради.5. Бозор иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, уни бирданига яратиб бўлмайди. Тоталитар тузум психологиясидан бозор психологиясига ўтиш учун вақт ҳамда янги иқтисодий, маънавий имкониятлар ва шароитлар керак.

Бу ишларни ҳаммасини бажариш учун вақт талаб қилинади. Республика ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита Марказ буйсунувида эди. Амалда республика товарни Ўзбекистон ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқарар эди. Республика нефть ва бошқа энергетика манбаалари билан ўзини-ўзи таъминлаш бўйича катта имкониятларга эга бўла туриб, 1 миллион тоннадан зиёд нефтни четдан оларди. Республика ғалла, қанд, гўшт ва бошқа ҳаётий маҳсулотларни ташиб келтиришга мажбур эди. Иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан кўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни ғоят қийинлаштириб қўйган эди.

Бу тангликдан чиқиш учун Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлади. Шу билан бирга босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишда ушбу минтақага хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитларни ҳисобга олди. Булар: 1) республиканинг қулай жўғрофий-сиёсий мавқега эга эканлиги; 2) табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги; 3) республикадаги алоҳида демографик вазият; 4) аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги; 5) аҳолининг 60% дан кўпроғини қишлоқда яшашлиги; 6) Республика миллий таркибининг ўзига хослиги ва б. Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллар мобайнида қилинган ишларнинг дастлабки натижалари: иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг асосий мазмуни кўп укладли иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини қуриш; кишиларнинг хусусий мулкдан бегоналашувини бартараф этиш; одамларга ташаббус ва тадбиркорликни ривожлантириш асоси ҳисобланган хусусий мулкни давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат бўлди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш айнан бир пайтда учта йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш асосида амалга оширилмоқда: 1) миллий иқтисодиётни барпо этиш; 2) бозор муносабатларини шакллантириш; 3) халқаро хўжалик тизимига ва жаҳон бозорига кириш.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ва мустаҳкам моддий база яратишга эришиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда унинг иқтисодий ислохотлар соҳасидаги стратегик мақсадлари қуйидагича белгиланган: 1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи тизим яратиш. 2. Кўп укладли иқтисодни вужудга келтириш, кишининг мулкдан бегоналашувини бартараф этиш, тадбиркорликнинг, ҳар тарафлама ўсиши учун, асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш. 3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодни бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усуллари йўқ қилиш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришни кенг қўллаш. 4. Моддий табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, жаҳон иқтисодий тизимига кириб боришини таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш. 5. Кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини

ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини қўллаш соҳалари ва шакллари ўзи мустақил белгилаб олиш учун имконият яратиш.

Миллий иқтисодиётни барпо қилиш - иқтисодий мустақилликка эришишнинг негизи бўлиб, туб таркибий ўзгаришларни тақозо қилади, миллий бойлик - ер ости ва ер усти бойликларига тўла-тўқис ва ҳақиқий эғалик қилиш, улардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Иқтисодий мустақилликка етук ва билимдон, ишбилармон ва тадбиркор мутахассисларсиз эришиб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка бозор муносабатларини шакллантириш ва уларнинг амал қилиш учун ҳуқуқий кафолатлар яратиш, туб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали эришиш мумкин. Маълумки, яқин йилларгача халқ хўжалигининг турли тармоқларини қатор вазирликлар ва ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган, маҳсулот етиштириб уни қайта ишлаш, сотиш имкониятига эга бўлган бу ташкилотлар давлат бюджетидан маблағ олиб иш юритишар эди. Ҳозир уларнинг кўп қисми турли концернлар, бирлашмалар, ҳиссадорлик ташкилотларига айлантирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, маҳсулотни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш, шу йўл билан инсонларининг моддий манфаатдорлигини ошириш амалга оширилди.

Хусусийлаштириш шунчаки ислоҳотларнинг бир кўриниши эмас. У нафақат иқтисодда, балки инсон руҳиятида, ҳуқуқий ва сиёсий тушунчаларимизда юз бераётган чинакам тўнтариш. Президент И.А.Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги” фармони бутун мамлакат тараққиётининг муҳим босқичи бўлди. Бу фармонга асосан давлат мулкни хусусийлаштириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, унинг раиси мамлакат бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” китобида таъкидланганидай, бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида, иқтисодий ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини вужудга келтиришга катта эътибор берилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашнинг яхлит ва илғор тизими шаклланди. Қабул қилинган қонунлар натижасида кўп укладли иқтисодиёт шакллана борди, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритиш фаолиятини тартибга соладиган инфратузилмалар вужудга келтирилди, бозор механизмларини ривожлантириш ишига мустаҳкам пойдевор қўйилди. Республика иқтисодига хорижий инвестицияларни жалб этишни манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кафолат яратадиган имконият яратилди.

Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир кадар чеклашга мажбур бўлинди. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз моллари билан тўлдириш йўлидан борилди. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз-маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланди.

Бугунга келиб бу сиёсат ўз самарасини бермоқда. Бу Асакадаги автомобиль заводи, Кўкдумалоқ ва Мингбулоқдаги нефть қонлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва иппиғирув фабрикалари, Андижон, Қўқон ва Янгийўлда спирт заводлари, Хоразм вилоятида қанд заводи, Қизилқум фосфор комбинати, Қўнғирот сода заводи, Олмалиқ ва Навоий қон-металлургия комбинатларини қайта таъмирлаш, янги темир йўл ва автомобиль йўллари, янги телекоммуникациялар, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қарашли ўнлаб янги корхоналар барпо этилди.

Хусусийлаштириш борасидаги барча ишлар изчил, мунтазам олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика ҳудудларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилди. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида дастлабки натижалар қўлга киритилди. Энг аввало, кичик хусусийлаштириш амалда туғалланди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тузилди.

Хусусийлаштиришни ривожлантириш мақсадида корхоналарга давлат томондан кредитлар берилди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасаларини барпо этишга асос солинди. Республика фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси. Миллий депозиторий, инвестиция фондлари ташқил этилди. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёnlари аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислохотлар, қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонун ва фармонлар ҳам хал қилувчи роль ўйнайди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислохот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структураси жиддий ўзгарди.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган энг муҳим натижа шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди. Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган давлат хўжаликлари давлат ихтиёридан чиқарилди. Уларнинг бутун мол-мулки, техникаси ва бошқа имкониятлари билан бирга ижара ва жамоа мулкига айлантирилди. Бу қишлоқ хўжалигида кенг миқёсли хусусийлаштиришнинг биринчи катта қадами эди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарурати туғилди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи, халқнинг турмуши, демократик вазият билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналиши ҳисобланади. Аҳолининг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун унга шарт-шароит яратиб берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози юз бераётган даврда Ўзбекистонни жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини четлаб ўтиш бўйича давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон Республикасида уни бартараф йўллари ва чоралари” асарида жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўллари излаш масалалари ёритиб берилган. Иқтисодий инқирозни олдини олиш бўйича таклифлар, чора-тадбирлар ва вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида эришилган ютуқлар: жумладан: Ўзбекистон иқтисодиёти 2008 йилда ўтган йилларга нисбатан 9 фоизга ошди. Ўзбекистонда банк-молия тизими фаол ривожланганлигига эътиборни қаратадиган бўлсак, банкларнинг жами капитали 2007 йил билан таққосласак 40 фоизга ошганлиги кўрамиз. Шу билан бирга 2009-2012 йилларга мўлжалланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурида барча турдаги энергия манбалари коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик ва бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаш механизми ишлаб чиқилди.

2008 йилда аҳолининг реал даромади жон бошига 23 фоизга ошди. 2009 йилнинг ўрталарида ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида, шунга мос равишда ҳўжалик юритиш субъектларида ҳам 1,4 баробар оширилди. Натижада инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-8 фоиз даражасида сақлаб туришга эришилди. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдонинг сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатади Бундан ташқари соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига давлат ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи ажратилиши ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни самарасини бермоқди.

Давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий соҳада олиб бораётган сиёсати: маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш. Ўзбекистонда янги жамият қуриш йўлида маънавий соҳасида қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда. 1. Маънавий ва ахлоқийликни қайта тиклаш. 2. Халқимизнинг миллий маданияти ва унинг ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш. 3. Виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1992 йилда нашр этилган “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асари маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб аталган бобида илгари сурилган тамойиллар:

умуминсоний қадриятларга содиқликхалқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши ватанпарварлик Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадий ва диний қарашлар мажмуи халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос ғоялар асосида одамлар онгида келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, Маърифат туйғуларини сингдириш, - миллий истиқлол мафкураси орқали халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш хиссини тарбиялаш,

- соғлом, маънавий бой, баркамол авлодни шакллантириш, Миллий истиқлол мафкурасининг негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналмилаллик каби хусусиятлар ташқил этади. Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти ва негизларига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга барча имкониятларни буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган. Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” (2008) асари биринчидан, маънавиятга давлат раҳбари томонидан таъриф берилган ва асосланган, иккинчидан, ўтган ўн етти йил мобайнида бу борада амалга оширилган улкан маънавий ислохотларнинг таҳлилий хулосалари келтирилган, учинчидан, унда ҳар бир масалага айнан бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ёндашилган, тўртинчидан, эл - юртнинг порлоқ келажаги учун жонқуярлик қилинган.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади?
2. Иқтисодий ислохотларнинг стратегик мақсадалари нималардан иборат?
3. Мулкни хусусийлаштириш деганда нимани тушунасиш?
4. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни қандай?
5. Маданий мерос нима ва уни тиклаш деганда нимани тушунасиш?
6. Маънавий қадриятларни тиклаш йўлида қандай ишлар қилинди?

18- МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

Режа:

-
1. Ўзбекистоннинг жўғрофий-сиёсий имкониятлари ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида тўтган ўрни.
 2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг жаҳондаги нуфузли давлатлар томонидан тан олинishi.
 3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши

Таянч иборалар

Дипломатик алоқалар, геостратегик мавқе, экспорт, патенциал, минтақавий хавфсизлик, давлатнинг суверен тенглиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), “Совуқ уруш ” сиёсати, террорчилик, Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги (МДХ), интеграция, коллектив хавфсизлик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. Мустақиллик: Изоҳли илмий - оммабоп лугат // Р. Рўзиев ва К.,. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи наشري. -Т.: Шарқ, 2006.
7. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик. -Т.: Адолат, 2001. -Б. 283-304.
8. Салимов О., Усмонов К., Еаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.180-217.
9. Юнусова М., Мўминов Х. Ўзбекистонда геосиёсат ва геосиёий вазият асослари. - Андижон: 2007.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... 12 жилдлар.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 496-551.
12. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -Б.593-613.
13. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / К.,. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. - 3-тўлдирилган ва тузатилган наشري. -Т.: O'zbekiston, 2010.
14. Ҳақимов Р. Ўзбекистан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. -Т.: Гафур Ғулом, 2001.
15. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. - To'ldirilgan, qayta nashr. -Т.: G'afur G'ulom, 2009. -Б.581-655.

16. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. -T.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. -B. 453-496. <http://www.gov.uz>;
<http://www.ursu.uz/ursulib/taqdimot/khiva/Viza/uz/embassy.litm> www.mfa.uz;
www.mfer.uz; <http://www.sectsco.org/>; <http://www.cis.minsk.by>

XX асрнинг сўнги 10 йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликларнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий мақонларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, бу тузумлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви унинг кўп асрлик қарамлик ва мутелик исканжасида яшаган халқи ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Шу билан бирга унинг давлат сиёсатида, халқаро майдондаги муносабатларида ҳам ўзига хос муҳим босқич бўлди. Аввало, ёш, мустақил, суверен давлатнинг жаҳонга юз тутиши, уни кўплаб давлатлар, мамлакатлар томонидан эътироф этилиши, дипломатик, савдо-сотиқ ва бошқа алоқаларни ўрната бориши Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонга чиқишига йўл очиб берди.

Ўзбекистон қулай геостратегик мавқега эга. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди тарихан шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўп савдо йўллари туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни кечган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ Совет Ўрта Осиёсининг марказида турибди, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон мустақил Марказий Осиё Республикалари орасида ғоят ката экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим хомашё-пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республикадир. Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли хомашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига жавоб берадиган, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган, миллий, минтақавий ва жаҳон хавфсизлигига кўмаклашадиган ташқи сиёсат юргизмоқда.

Унинг асосий қоидалари Президент И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида асослаб берилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунлаштирилган. “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш,

ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиши мумкин” дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида қуйидаги қоидалар асос қилиб олинган: - давлатнинг суверен тенглиги ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш; - бошқа давлатнинг ички ишларига аралашмаслик; - низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш; - куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик; - инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳурматлаш; - ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлигини тан олиш; - тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик; - давлатлараро тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик тамойиллари устунлик қилади. Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи марта 1992 йил 2-мартда жаҳон ҳамжамиятининг тўла, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТга қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, давлатлараро муомала қоидалари, шунингдек, БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига риоя қилишини билдирди.

Ўзбекистон амалда деярли барча халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий ташкилотларнинг аъзосидир: “Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти”, “Парламентлараро Иттифок”, “Халқаро валюта фонди”, “Реконструкция ва ривожланиш Европа банки”, “Жаҳон банки”, “Халқаро меҳнат ташкилоти” ва бошқалар бунга мисолдир. Тошкентда 50 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Асамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштироқ этиши ва унда қилган маърузалари Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва навқирон ёш давлат сифатида намоён этди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси таъсис этилди ва иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда республикада БМТ ваколатхонаси, мамлакатимизда БМТнинг тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий қўмита комиссари, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳоли жойлашиш жамгармаси, наркотикларни назорат қилиш дастури, болалар жамгармаси сингари иқтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот - Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. И.А.Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган ЕХХТ мажлисида иштироқ этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинар ташкил қилиб, Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. ЕХХТнинг Тошкентда алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилгани ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди, бўлғуси жаҳон парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди. Ислон конференцияси Ўзбекистонни кузатувчи сифатида қабул қилди ва мамлакатимизга ишончли ва масъулиятли шерик деб қарашмоқда. Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро ташкилотлар - “Халқаро меҳнат ташкилоти”, “Жаҳон Почта иттифоқи”, “Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ”, “Жаҳон метералогия ташкилоти”, “Халқаро Олимпиада қўмитаси”, Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг аъзоси бўлди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг тарихан қисқа вақтда халқаро ҳамжамиятга қўшилганининг, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунё сиёсатида фаол қатнашаётганининг яққол ифодасидир. Бугунги кунда ҳам дунё кескин зиддиятларга тўлиб-тошиб турибди. “Совуқ уруш” сиёсати барҳам топган бўлсада, миллий ва диний низолар жаҳон тинчлигига хавф солиб турибди. Бутун инсониятни экологик танглик, биогенетик бузилишлар, уюшган жиноятчилик, экстремизм, террорчилик ташвишлантормоқда.

Жаҳон хавфсизлигини таъминлаш давримизнинг энг долзарб масаласига айланган. Жаҳон тинчлиги минтақалардаги тинчликка, шунингдек, айрим олинган ҳар бир мамлакатдаги тинчликка боғлиқ бўлиб қолди. Ҳар бир мамлакатда миллий хавфсизлик таъмин этилган бўлса, ўша мамлакат жойлашган минтақада хавфсизлик бўлади, минтақаларда хавфсизлик таъминланса, жаҳон хавфсиз бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳон сиёсатида миллий, минтақавий ва жаҳон хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг ташқи сиёсатида миллий, минтақавий хавфсизлик масалаларига жаҳон хавфсизлигининг таркиби қисми сифатида алоҳида эътиборини қаратиб келмоқда. Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидай, “Ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда”. Маълумки, 1991 йил 7 декабрда Беловеж ўрмонида бўлиб ўтган учрашувда СССР ўрнига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) тузилган эди.

Бошқа мустақил республикалар бошлиқлари сингари, Ўзбекистон раҳбарияти ҳам иш битиб бўлганидан кейин ундан хабардор қилинди. Шундай бўлсада, Ўзбекистон раҳбарияти МДХга киришга қарор қилди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамдўстлик давлатлари билан икки томонлама ва кўптомонлама асосда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Россия федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқалар билан шартномалар тузди. МДХ давлатлари бошлиқларининг 1992 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан коллектив хавфсизлиги тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартномани олти мамлакат раҳбарлари имзоладилар.

МДХ давлатлари ўртасида давлатлараро иқтисодий қўмитанинг тузилиши бу мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим босқич

бўлди. Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашганлигидан, унинг тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги муайян маънода шу минтақада вазият мувозанатига ҳам боғлиқдир. Чунки президентимиз таъкидлаганидек, “Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспорт ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Шунинг назарда тўтадиган бўлсак, бутун минтақанинг собитқадам ва барқарор ривожланишини таъминлаш ва можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбўл тамойилдир. Минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаган тақдирдлагина мазкур муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади. Бу эса ўз навбатида ялпи хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади”.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг И.А.Каримов ташаббуси билан 1993 йил 4 январда Тошкенда чақирилган учрашуви шу давлатлар ҳаётида жиддий воқеа бўлди. Бу учрашувда умуман бутун минтақа тақдирига тааллуқли муаммолар биринчи марта муҳокамага қўйилди. Марказий Осиё давлатларидан бирининг пойтахтида мунтазам чақирилиб туриладиган ана шундай учрашувлар минтақа кучларини жипслаштирувчи муҳим дастакка айланди.

Бу давлатлар тарихий тақдирлари ва геосиёсий ҳолатининг муштараклиги уларнинг ўзаро иқтисодий, савдо-сотиқ, сиёсий ва маънавий ҳамкорликни кенгайтириш, инқирозли ҳолатдан чиқиб олишни тақозо қилди. Шу сабабдан қўшни Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган фуқаролар уруши ёхуд ён қўшнимиз Тожикистон заминида юз бераётган биродарқушлик урушлари шу минтақадаги умумий вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганлиги, бундан Ўзбекистон нинг ҳам ташвиш чекаётганлиги, шунинг ҳисобга олиб республикаимиз раҳбарияти минтақадаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришга астойдил ҳаракат қилаётганлиги ҳаммага маълум.

Бу борада республикаимиз Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеялари сессиясида сўзлаган нутқларида, шунингдек БМТ бош Котиби номига йўллаган мактубларида ва бошқа учрашувлар ва анжуманларда қайта-қайта уқтириб ўтганлиги бежиз эмас. Марказий Осиёдаги қардош Республикалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, интеграция жараёнлари минтақа халқлари учун, уларнинг ёрқин келажаги учун миллий истиқлол бутунлай янги саҳифа очди. Ўз миллий бойликлари, ресурсларини тасарруфига киритган Марказий Осиё халқлари истиқлол йўлидан изчил бормоқдалар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, - “халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқодларининг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади... бизнинг мақсадларимиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятлар ҳам йўқ. Интеграция йўлидан ҳаракат қилаётганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди”.

1994 йил январда Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари президентлари учрашуви пайтида иккала давлат ўртасида ягона иқтисодий мақонни яратиш тўғрисида шартнома имзоланиши, кўп ўтмай унга қардош Қирғизистон давлатининг қўшилиши шубҳасиз, минтақа халқлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Уччала давлат ўртасидаги шартнома ўз самарасини бермоқда.

Алмата шаҳрида битимда қатнашувчи мамлакатлар вакилларида иборат Давлатлараро ижроия қўмита тузилди.

Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозирда бу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси мухтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган биргаликда сармоя сарфланадиган объектлар аниқлаб олинди ҳамда уларни амалга ошириш борасида тегишли тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Минтақада бунёд этилаётган ягона иқтисодий мақон фаолиятида бошқа қўшни давлатлар ҳам бемалол қатнашишлари мумкин.

Шунга кўра Тожикистон ҳам бу шартномага қўшилди. Халқаро миқёсда обрў-эътибор, мамлакатлар ва халқаро ҳурмат-эътибор катта сиёсий, маънавий ҳамда ахлоқий капитал ҳисобланади, уни ҳеч қандай пулга сотиб олиб бўлмайди. Бу мустақил Ўзбекистоннинг асосий қадриятidir. Шу билан бир вақтда, халқаро алоқалар, ўзаро фойдали ҳамкорлик мавжуд муаммоларни ҳал этишга, исталган мамлакатни тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшади.

Шу маънода Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги ўзининг юксак самарасини бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” китобида таъкидлаганидай, “Ўзбекистон дунё учун очик. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши қафолатдир. Биз буни Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътибор қозанаётганлигининг далили деб биламиз”.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар муаммолар шунчалик кам бўлади. Шу маънода мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув жараёнида актив иштирок этмоқда. Бунда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари ғоят улканлигини ҳисобга олмоқда. Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этмоқда. Ўзбекистон нинг АҚШ билан икки томонлама муносабатлари изчил ва собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда.

Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш биз учун устивор аҳамият касб этмоқда. АҚШ билан алоқалар Республикаимизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда Европадаги кўпгина мамлакатлар - Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Греция, Чехия, Словакия ва бошқа мамлакатлар билан бевосита икки томонлама муносабатларимиз анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Осиё мамлакатлари - Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Хиндистон, Индонезия, ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз

мустаҳкамланиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини - хавфсиз ва барқарор тинчликка эришиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал этишда фаол ва манфаатдорлик билан иштИроқ этмоқда. ЕврАзЭС – Европа – Осиё иқтисодий ҳамжамияти 2000 йил октябрь ойида Белорусия, Қозоғистон, Россия ва Тожикистон мустақил давлатлари раҳбарлари имзо чеккан Шартнома асосида тузилган халқаро ташкилот.

2005 йил октябрь ойида Республикамиз Президенти Санкт – Петербург шаҳрида Ўзбекистоннинг ЕврАзЭС ташкилотига кириши ҳақида келишди. ЕврАзЭС давлатлари раҳбарларининг 2006 йил январда навбатдаги саммитида Ўзбекистон Республикаси ЕврАзЭС аъзолигига расмий равишда қабул қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти 1996 йилда Россия ва Хитой давлатлари ўртасида бошланган. Шу йили Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикаси 2001 йили расман қўшилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кузатувчи давлатлари сафига: Ҳиндистон, Эрон, Муғулистон ва Покистон давлатлари қиради. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга, халқ турмуши, фаровонлигини яхшилашга йўналтирилган. Шунинг учун хорижий мамлакатлар билан алоқаларда иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикамизга илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, қўшма корхоналар қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳондаги 70 га яқин мамлакатларнинг сармоялари иштИроқида ташкил этилган 2400 дан ортиқ қўшма корхоналар ишлаб турибди. Улар истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқармоқда, аҳолига хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида иштИроқ этмоқда. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистонни ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки чет эл инвестициялари халқ хўжалигининг таркибини қайта қуришга, такомиллаштиришга ва ишлаб-чиқаришни жиҳозлашга, сермеҳнат ва кўп илм талаб қилувчи ишлаб чиқаришни барпо этишга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон да 5 миллиарддан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар иштИроқида лойиҳалар амалга оширилмоқда. Зарафшон водийсидаги Мурунговда АҚШнинг Нюмонт Майнинг корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи “Зарафшон-Нюмонт” қўшма заводининг қурилиши, йилига 200 минг енгил автомобил ишлаб чиқарувчи “ЎзДЭУ авто”, Франция ва Япония билан ҳамкорликдаги структурасида энг йирик бўлган нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада Германия билан ҳамкорликда “Ўзсаламан” пойафзал фабрикаси қурилиши бунинг далилидир. Республикамизнинг Эрон жанубий портларига ва ўнлаб бошқа муҳим объектларига йўл очган темир йўл бўйича ҳаракати бошланди. Бундай ҳамкорликдан иккала томон ҳам манфаат кўрмоқда.

Қўшма корхоналарнинг қурилиши натижасида кўплаб иш ўринлари вужудга келмоқда, бу республикада ишсизлик муаммоси ечиш, ишсизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашмоқда. Таълим, фан ва маданият соҳасидаги

ҳамкорликлар ҳам ажойиб самаралар бермоқда. Университетлар ва бошқа ўқув юртларимиз замонавий ускуналар ва қўлланмалар билан таъминланмоқда, кўпчилик курслар таниқли жаҳон олимлари томонидан ўқилмоқда ва малака оширмоқда. Мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан кўп томонлама алоқаларида Тошкент муҳим ўрин тўтади. 2009 йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини ЮНЕСКО раҳнамолигида нишонланиши ҳамда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси ISESCO (AYSESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани юксак халқаро эътиборнинг натижасидир. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий - гуманитар алоқалари йилдан - йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда.

Республикамызда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишляпти, улар дан 111 таси юз фоизлик Европа капиталига эга. 1995 - 2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикамызда умумий қиймати қарийб 8 млрд. АКШ долларлик йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АКШ долларини, 2003 йил январь-октябрь ойлари якунлари бўйича эса 910,6 млн. АКШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг аъзоси, улкан иқтисодий ва илмийтехникавий салоҳиятга эга бўлган Германия билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Германияга 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасида муносабатларни йўлга қуйишда муҳим аҳамиятга эгадир. И.Каримов ГФР Федерал президенти Рихард фон Вайзенкер ва Федерал канцлер Гельмут Коль билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва катъият билан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қуйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги битимлар имзоланди. «Дойче банк», «Мерседес-Бенк» ва «Сименс» компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Сафар натижаларига кўра Ўзбек-Германия ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди.

Тошкентда икки - томонлама савдо - иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг элчихонаси очилди. 1994 йил 1 сентябрда ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди. Ҳозирги пайтда элчихона Германиянинг янги пойтахти Берлин шаҳрида фаолият юритмоқда. «Тошкент - Франкфурт» ҳаво йўли очилди, Ўзбекистонда «Дойче-банк»нинг бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Германиянинг «Гейдельбер» фирмаси Ўзбекистонда нашриёт - матбаа соҳасида ҳамкорлик қилаётган йирик компаниядир. «Гейдельбер» фирмаси асбоб - ускуналари билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нўкус полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги «Тонг» нашриёти қайта жихозланди. Ўзбекистондаги «Растр» ва «Гротекс» нашриётлари «Гейдельбер» фирмаси технологияси асосида ишламоқда. Натижада мактаблар учун дарслик, ўқув кулланмалари ва бошқа турдаги нашриёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча яхшиланди. 2001 йилда Ўзбекистон - Германия - Россия ҳамкорлигидаги «Наманган қоғоз» қўшма корхонаси кўрилиб ишга туширилди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 2 - 5 апрель кунлари Германия Федератив Республикасига, Германия Федерал канцлери Герхард Шредернинг 2002 йил 9 - 10 май кунлари Ўзбекистонга қилган расмий сафарлари Ўзбекистон - Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ва расмий доирлари ўртасида алоқалар кенгайиб бормоқда. 1997 йилда Ўзбекистонда 55 та Германия компаниясининг ваколатхоналари фаолият юритган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 80 тага етди. Уларнинг энг йириклари «Хобас ТАЛО», «Хива Карпет» ва бошқалардир. 2003 йилда Германиялик сармоядорлар иштироқида енгил саноат, озиқ - овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 138 та корхона фаолият кўрсатди, улардан 40 таси юз фоизлик Германия капиталига эга. Ўзбекистонга киритилаётган Германия сармоялари ҳажми 2001 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидан ошди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2001 йилда 283,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик иқтисодий ҳамкоридир.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида муносабатларни урнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил 28 - 30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И. Каримов Франция Президенти Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳам да жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Ф. Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи уршши эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фаҳрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди», деб таъкидлаганди. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шон - шухратини улуғловчи ҳолисона, олийжаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда «Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома», маданият, илмий - техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши республикамизда демократиянинг янада ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик «Кредит Коммерсиал де Франс» банки ўртасида муддаолар ҳақида Битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқди «Элф - акитен» нефть - кимё қонқерни, «Технип» фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришга келишилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо - сотик ҳисоб - китобларини таъминлаб турган «Креди коммерсила де Франс» банки завод қўрилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қуйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди.

1994 йил 25 - 27 апрель кунлари Франция Президенти Ф. Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек ҳаво транспорта соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар имзоланди. Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий, алоқалар кенгайиб бормокда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ - овқат , нефть ва газ саноати, қўрилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмокда. Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфўзга эга бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик қилмокда.

1993 йил 22 - 25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ республикамиз делегациясининг расмий амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг қиролича Елизавета II, Бош вазир Ж. Мейжор билан самимий, очиқ ўзаро манфаатли суҳбатлари, музокаралари бўлиб ўтди.

Сафар самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармоялорни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўллари очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. «Тошкент - Лондон» ҳаво йўлида самолёт қатновининг йўлга қуйилиши алоқаларни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтариш йўлидаги янги кадам бўлди.

Ўзбекистоннинг Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ўрнатилди ва кенгайиб бормокда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо ўйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат - Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида

алоқаларнинг йўлга қуйилиши мамлакатимизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди.

1996 йилда Европа Иттифоқи Кенгаши билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Битим туфайли Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган 15 давлат билан сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм - фан, маданият, тиббиёт, телекоммуникация, транспорт ва бошқа соҳаларда шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатди. Ўзбекистон Олий Мажлиси билан Европарламент ўртасида ҳам алоқалар ўрнатилди. Бу алоқалар Ўзбекистон парламенти билан Европарламент ўртасида 1998 йилда тузилган ҳамкорлик қўмитаси даражасида кенгайиб бормокда. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклар ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бунга алоқадор давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, Кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир.

2003 йилда республикамызда хорижий сармоя иштрмокида барпо этилган 2087 та қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм хажмида истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чщарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар урнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АКШ долларидаи ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АКШ доллари ўзлаштирилмокда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотик килмокда. Ҳар йилги товар айирбошлаш х,ажми 6-8 млрд. АКШ долларини ташқил этмокда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлашда, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармокларини йўлга қуйишда, етакчи биржалар билан алоқалар урнатишда, қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамызга кўмаклашмокдалар.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жихатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида асрларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистан ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавкеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормокда.

2010 йил давлатимиз раҳбари томонидан “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Мамлакатимизда соғлам ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI- аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чоратадбирларни амалдга ошириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди.

Президентимиз И. Каримов Қонституциянинг 20-йиллигига бағишланган маърузасида 2013 йилни “Обод турмуш” йили деб эълон қилди. Бу ижтимоий иқтисодий тараққиётимизни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Назорат саволлари

1. XXI аср бўсағасида дунёда қандай туб ўзгаришлар бўй берди?
2. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида қандай қоидалар асос қилиб олинган?
3. Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга амал қилади?
4. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши деганда нимани тушунасиш?
5. МДҲ доирасидаги кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик нима?
6. Таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликлар ҳақида гапиринг?
7. 2010 йил “Баркамол давлат дастури” ҳақида гапиринг?
8. 2013 йил “Обод турмуш” йилида амалга ошириладиган асосий вазифалар нималардан иборат?